БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 210 (17.194). ● 13 сентябрь 1978 йил, чоршанба ● Баҳоси 2 тийин.

Суратда: мукофотларни топшириш пайти.

В. Мусаэльян ва А. Пушкарев фотоси. [ТАСС телефотоси].

КОСМОСГА ҚИЛИНГАН ЯНГИ ХАЛҚАРО ПАРВОЗ ҚАҲРАМОНЛАРИ

СССР ва ГДР космонавтларига Кремлда Совет мукофотлари топширилди

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев 12 сентябрь куни Кремлда СССРнинг космонавт-учувчиси В. Ф. Биковский билан ГДР граждани тадқиқотчи-космонавт Зигмунд Йенга Совет Иттифоқининг юксак мукофотларини топширди.

Мукофотларни топшириш вақтида Ўртоқ Л. И. Брежнев нутқ сўзлади.

Ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВ нутқи

Ҳурматли ўртоқлар!

Космосга қилинган янги халқаро парвоз қаҳрамонлари — Валерий Фёдорович Биковский билан Зигмунд Иенни Кремлда самимий табриклашдан ғоят мамнунман.

Азиз космонавт дўстлар, сизларни ерга омон-эсон қайтиб келганлигингиз билан, фахрли ва масъулиятли топшириқни муваффақиятли бажарганлигингиз билан қутлайман.

Шу фурсатдан фойдаланиб, Коваленок ва Иванченков ўртоқларга ўзимизнинг энг эзгу тилакларимизни йўллаймиз. Сизлар яқинда орбитада улар билан хайрлашдингиз ва улар ўзларининг узоқ муддатли парвозини мардонавор давом эттирмоқдалар.

Инсон космос сари йўлни яқиндагина, атиги 17 йил муқаддам очган эди. Ўшанда кўпгина кишилар ҳали космик учишлар бир неча ўн йилликлар мобайнида кишиларнинг иродасини ва мардлигини синашдангина, инсоният фан-техника имкониятларининг рамзигина бўлиб қолаверади, деб ўйлаган эдилар. Лекин қисқа вақт ичида космонавтиканинг жуда катта амалий қиймати яққол исботланди.

Эндиликда космик тадқиқотларнинг хайрли таъсирини бирон-бир даражада сезмаётган фан, техника ёки халқ хўжалигининг бironта ҳам тармоғи йўқ деса бўлади. Яна шуни комил ишонч билан айтиш мумкинки, келгусида ер атрофи фазосини ўзлаштиришдан кўриладиган фойдали самара муттасил ошиб боради.

Халқаро социалистик экипажларнинг «Интеркосмос» программасига мувофиқ космосга учишлари социалистик ҳамдўстлигимиз фан ва техниканинг етакчи тармоқларида эришган тараққиётни кўп даражада намойиш қилмоқда. Бу учишлар бутун инсониятга наф келтирувчи билимларни тўпламоқда.

Польша ва Чехословакия гражданларидан кейин Германия Демократик Республикасининг граждани космосда бўлиб келган ҳозирги кунда немис меҳнаткашлари социалистик давлатининг космосни ўрганиш ва ўзлаштириш борасида қардош мамлакатлар олиб бораётган биргаликдаги ишга каттагина ҳисса қўшганлигини таъкидлаб ўтмоқчиман.

Хуллас, айтиш мумкинки, социализм космик ишларда ҳам ўзининг туб принципларига содиқдир. Бунда ҳам социализм ҳамкорлик, ўзаро ёрдам, интернационализмни биринчи ўринга қўяди!

Ўртоқлар, «Салют-6» — «Союз» орбитал илмий-тадқиқот комплексида космик учишни муваффақиятли амалга оширганлиги ва бунда мардлик ҳамда қаҳрамонлик кўрсатганлиги учун космос ветерани, икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССРнинг космонавт-учувчиси Валерий Фёдорович Биковский Ленин ордени билан мукофотланади. ГДР космонавти Зигмунд Йенга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилиб, Ленин ордени ва «Олтин Юлдуз» медали топширилади

Азиз ўртоқлар, масъулиятли миссиянгизни намунали бажарганликларингиз учун сизларга раҳмат — сизларга чин қалбдан сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, янги катта муваффақиятлар тилайман.

* * *

Бугунги кун, деди ўз сўзида В. Ф. Биковский, биз учун энг тўлқинлантирувчи кундир. Космосга учинчи марта учишни амалга оширишни топшириб, зўр ишонч билдиргани учун ҳамда меҳнатимизга берган юксак баҳолари учун Коммунистик партияга, СССР Олий Советига, ҳукуматимизга миннатдорчилик сўзларини изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Мен Совет Иттифоқи Коммунистик партияси сафига ўзимнинг биринчи космик учишимни бажарган вақтда қабул қилинганлигим билан фахрланаман.

Эндиликда «Салют-6» станцияси ичида Совет Иттифоқининг уч коммунисти билан Тельман партиясининг аъзоси, Германия Демократик Республикасининг граждани Зигмунд Йен ишладилар. Биз бир оиладек, ога-инилардек ишладик. Космосда иш бошлашимизнинг дастлабки дақиқаларидаёқ биз Сиздан, азиз Леонид Ильич ва Ўртоқ Эрих Хонеккердан табриклама олдик, бу табрикнома бизни янада яхшироқ ишлашга илҳомлантирди.

Бугун мукофотни қабул қила туриб, бутун дунёда тинчлик ва дўстлик манфаатларини кўзлаб, дўстлигимизни, социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари ўртасидаги ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш учун ўзимизнинг бутун ҳаётимизни, барча ишларимизни сафарбар этамиз, деб Сизни чин қалбдан ишонтираман.

В. Ф. Биковский шу учишдан эсдалик тариқасида Ўртоқ Л. И. Брежневга орбитал космик комплекси космонавтларининг дастхатлари ёзилган унинг портретини топширди.

Сўнгра З. Йен сўз олди. У Советлар мамлакатининг ўзи сазовор бўлган юксак мукофоти учун КПСС Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиумига, шахсан Леонид Ильич Брежневга астойдил миннатдорчилик билдирди. Мен, Германия Демократик Республикасининг граждани, космик фазони тинч мақсадларда тадқиқ этишда иштирок этаолганлигим билан ниҳоят тўлқинландим, деди З. Йен. Биргаликдаги бу учиш мустаҳкам дўстлигимизнинг, халқларимиз, партияларимиз, армияларимиз ва давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг ифодасидир. Мен бу мукофотни айни вақтда Ватаним — Германия Демократик Республикаси ва унинг гражданлари эришган ютуқларнинг эътироф этилиши, деб биламан.

З. Йен ўзимнинг бутун куч ва маҳоратимни бундан буён ҳам Германия Бирлашган социалистик партияси ва Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ўртасидаги, ГДР ва Совет Иттифоқи халқлари ўртасидаги дўстликни янада мустаҳкамлашга сарфлайвераман, деб ишонтирди.

ГДР космонавти тарихий парвоздан ёдгорлик сифатида ўртоқ Л. И. Брежневга Германия Демократик Республикасининг «Салют-6» — «Союз» орбитал комплекси ичида бўлган давлат гербини топширди.

Нутқлар давомли қарсаклар билан кутиб олинди.

Мукофотларни топшириш вақтида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари К. У. Черненко, СССР Олий Совети Президиумининг секретари М. П. Георгадзе, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси А. И. Блатов, Юрий Гагарин номли космонавтлар тайёрлаш маркази бошлиғининг ўринбосари, икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, авиация генерал-майори А. А. Леонов, шунингдек ГДРнинг СССРдаги элчиси Г. Отт ҳозир бўлдилар.

(ТАСС).

КАМАК — ТАДҚИҚОТЧИНИНГ КЎМАКЧИСИ

12 сентябрь куни Тошкентда илмий тадқиқотларни автоматлаштириш бўйича Совет — Польша семинари очилди. СССР Фанлар академияси президиуми ҳузуридаги илмий тадқиқотларни автоматлаштириш бўйича кенгаш раисининг ўринбосари Г. Н. Куклиқ, «Полон» бирлашмасининг бош директори Андрей Радович, Узбекистон «Кибернетика» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори Узбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги В. Қ. Кобулов илмий эксперимент жараёнини тезлаштириш, тадқиқотларнинг самарадорлигини ошириш имконини берадиган электрон системаларнинг ривожланиши ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган энг янги ишлар тўғрисида ахборот бердилар.

Семинар иштирокчилари, жумладан СССР ва Узаро Иқтисодий Ердам Кенгаши аъзолари бўлган бошқа мамлакатлар мутахассисларининг ижодий иштирокида Польша Халқ Республикаси корхоналарида чиқарилаётган «Камак» аппаратлар системасининг разработкалари ва ишлаш юксак даражада эканлигини таъкидлаб ўтдилар.

«Кибернетика» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасидаги кўргазмада «Камак» аппаратларининг комплектлари ва айрим блоклари намойиш этилмоқда.

[ЎзТАГ].

Социалистик Эфиопия мувақкат ҳарбий-маъмурий кенгашининг ва министрлар советининг раиси

подполковник Менгисту Хайле МАРИАМга

Ўртоқ раис, Эфиопия революциясининг 4 йиллиги муносабати билан сизга, мувваққат ҳарбий-маъмурий кенгашида ва министрлар советида бирга ишлайдиган ўртоқларингизга, бутун Эфиопия халқига СССР Олий Совети Президиуми ва СССР ҳукумати, совет халқи номидан ва шахсан ўз номимиздан сидқидил қутловлар ва энг яхши тилаклар йўллаймиз.

Совет Иттифоқида Эфиопия халқининг революция ғалабаларини, ўз мамлакатининг суверенитети ва территориал бутунлигини ички ва ташқи реакциянинг ҳамлаларидан ҳимоя қилиш йўлидаги курашда эришаётган муваффақиятлари хайрихоҳлик ва бирдамлик туйғулари билан кузатиб турилибди. Интернационализм принципларига содиқ бўлган Совет Иттифоқи ана шу одилона курашни бундан буён ҳам қўллаб-қувватлайверади.

Дўст эфиоп халқига ва унинг раҳбарларига Эфиопия революциясининг социалистик йўналиш соҳасидаги олижаноб мақсадлари рўёбга чиқарилишида янгидан-янги ютуқлар тилаймиз.

СССР билан Эфиопия ўртасида самарали равишда ривожланиб бораётган дўстлик ва ҳар томонлама ҳамкорлик муносабатлари мамлакатларимиз халқларининг, Африкада ва бутун дунёда тинчлик ҳамда тараққиёт ишининг манфаатлари йўлида бундан буён ҳам мустаҳкамланаверади, деб ишонч изҳор этамиз.

Л. БРЕЖНЕВ А. КОСИГИН

КРЕМЛДА СУҲБАТ

СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин 11 сентябрь куни Кремлда ГФР экономика федерал министри О. Ламбсдорфни қабул қилди. О. Ламбсдорф иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик юзасидан СССР ва ГФР комиссиясининг саккизинчи сессияси ўтказилиши муносабати билан Совет Иттифоқига келган.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневнинг шу йил май ойида ГФР раҳбарлари билан олиб борган музокаралари ва қилган суҳбатларининг натижаларига асосланиб, А. Н. Косигин билан О. Ламбсдорф турли соҳаларда ҳар икки давлатнинг ҳамкорлигини ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг баъзи бир масалалари юзасидан фикрлашиб олдилар. Ҳар икки томон СССР билан ГФР ўртасида тузилган битимлар ва аҳдномаларни тўлароқ ва самаралироқ амалга ошириш манфаатлари йўлида сарфланаётган куч-ғайратни ошириш ниятини изҳор этди.

Суҳбат чоғида Ғарбий Европа мамлакатларининг экономикасида намоён бўлаётган умумий тенденциялар асосида СССР билан ГФР ўртасидаги иқтисодий муносабат масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Суҳбат конструктив, амалий вазиятда ўтди.

(ТАСС).

КРЕМЛДА ҚАБУЛ

СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин 12 сентябрь куни Кремлда Ироқ Республикаси вице-президенти Т. М. Маъруфни қабул қилди. Т. М. Маъруф Пхеньяндан қайтишда Москвада тўхтаб ўтди. У Пхеньянда КХДР ташкил топган кунининг 30 йиллиги муносабати билан ўтказилган тантаналарда Ироқ делегациясининг бошлиғи сифатида қатнашган эди.

Амалий, дўстлик вазиятида ўтган суҳбат давомида Совет — Ироқ муносабатларига доир масалалар юзасидан, шунингдек ҳар икки томонни қизиқтираётган бир қанча актуал халқаро проблемалар юзасидан фикрлашиб олинди.

Ҳар икки томон қуйидагиларни таъкидлаб ўтди. Совет Иттифоқи билан Ироқ ҳар икки мамлакат ўртасидаги муносабатларга муҳим аҳамият беради. Бу муносабатларнинг самарадорлигини турмушнинг ўзи тасдиқлаб берди. Ҳар икки томон бу муносабатларни 1972 йилда дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида тузилган Совет — Ироқ шартномасининг мустаҳкам негизи асосида бундан буён янада ривожлантиришга қатъий қарор берганлиги уқтириб ўтилди. Бу шартнома ҳар иккала мамлакатнинг манфаатларига мос бўлиб тушади.

Халқаро проблемалар муҳокама қилинган вактда Яқин Шарқдаги аҳволга алоҳида эътибор берилди. Якин Шарқдаги вазият кескинлигича қолмоқда. Ҳар икки томоннинг фикрича, АҚШнинг — бевосита иштироки билан Миср ва Исроилнинг араб халқларидан яшириб ва уларнинг манфаатларига зид асосда можарони сепарат тарзда ҳал этишга қаратилган уринишлари катта хавф туғдиради. Бундай шароитларда сепарат битимларни ва Яқин Шарқда адолатли ҳамда мустаҳкам тинчлик ўрнатиш масалаларида таслимчилик йўлини рад этаётган араб дунёсидаги тараққийпарвар кучларнинг жипслиги зарур эканлиги қайд этиб ўтилди.

МИНИСТРЛАРНИНГ МУЗОКАРАЛАРИ

12 сентябрь куни Москвада КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико билан Ҳиндистон ташқи ишлар министри А. Б. Важпаи ўртасида музокаралар бўлиб ўтди.

Дўстона ва ҳамжиҳатлик вазиятида ўтган музокаралар чоғида турли соҳаларда Совет — Ҳиндистон муносабатларини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш масалалари, шунингдек ҳар икки томонни қизиқтирувчи баъзи бир халқаро проблемалар кўриб чиқилди.

(ТАСС).

ФАН БИЛАН ИШЛАБ ЧИҚАРИШ АЛОҚАСИНИ МУСТАҲКАМЛАЙЛИК

12 сентябрь куни Тошкентда В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлари академияси Ўрта Осиё бўлимининг сессияси бўлди. Сессия КПСС Марказий Комитети 1978 йил июль Пленумининг қарорлари асосида регион қишлоқ хўжалик фанининг вазифаларини муҳокама қилди. Сессияда Ўрта Осиё республикаларининг қишлоқ хўжалик фани соҳасида ишлаётган етакчи олимлари, қишлоқ хўжалик ва конструкторлик ташкилотларининг, министрлик ва идораларнинг вакиллари иштирок этдилар. ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлими президиумининг раиси, Узбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси С. Ҳ. Йўлдошев доклад қилди.

Сессия қатнашчилари қилинган ишларни якунлаб, илмий тадқиқотларнинг самарадорлигини ошириш ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини янада юксалтиришнинг конкрет йўлларини белгиладилар.

[ЎзТАГ].

5.700.000 ТОННА УЧУН

Республика областларида пахта тайёрлашнинг борыши ҳақида шу йил 12 сентябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун—бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун—мавсум бошидан буён (умумий тайёрланадиган пахтага нисбатан процент ҳисобида).

Бухоро	1,55	9,32
Фарғона	1,40	7,39
Сурхондарё	1,26	5,66
Андижон	0,77	4,26
Қашқадарё	0,76	3,98
Наманган	0,[illegible]	[illegible],3
Тошкент	0,08	[illegible],24
Сирдарё	0,02	0,07
ҚҚАССР	—	—
Жиззах	—	—
Самарқанд	—	—
Хоразм	—	—
Республика бўйича:	0,62	3,25
Шу жумладан ингичка толали пахта		
Бухоро	3,95	5,84
Наманган	3,29	3,67
Сурхондарё	0,85	2,07
Қашқадарё	0,18	0,67
Республика бўйича:	1,01	2,06

ДЕФОЛИАЦИЯ ҚАНДАЙ БОРМОҚДА?

Республика областларида ғўза дефолиациясининг борыши ҳакида шу йил 12 сентябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда дефолиация қилинган майдон; учинчи устун — мавсум бошидан буён (планга нисбатан процент ҳисобида).

Тошкент	9,2	91,9
Жиззах	10,4	67,8
Наманган	10,6	65,9
Сирдарё	12,8	55,7
Қашқадарё	10,3	54,5
Бухоро	9,0	40,1
Андижон	9,0	37,8
Сурхондарё	7,5	32,8
Фарғона	5,5	22,1
Самарқанд	1,8	4,9
ҚҚАССР	—	—
Хоразм	—	—
Республика бўйича	7,2	39,5

5 миллион 700 минг тонна учун

ПАХТА ШТАБИ

ПАХТА ШТАБИ
ТЕЛЕФОНЛАР: 337343 - 337604

Республикамиз пахта далаларида 5 миллион 700 минг тонна «оқ олтин» учун курашнинг ҳал қилувчи дамлари бошланди. Пахтаси эрта пишиб етилган жойларда йиғим-теримга киришилди. Жанубий областларда теримга машиналар ҳам олиб тушилаётир. Ҳосил йиғим-теримни тобора кенг тус олаётир.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Советининг 1978 йилги пахта ҳосилини йиғиб-териб олишга бағишланган қарори асосида барча колхозлар, совхозлар, районлар ва областларда пахта йиғим-теримини тез ва соз ўтказиш учун тегишли тадбирлар кўрилди. Бу йилги йиғим-теримнинг алоҳида хусусияти шундаки, ҳосилнинг камида 70 процента машиналар билан териб олиниши керак. Йиғим-теримнинг айни қизиган даврида далаларга 35 минг «зангори кема» чиқади. Йўларда ипатоволиклар ва оқолтинликлар методи асосида йиғим-терим-транспорт комплекслари, отрядлари ва звенолари ташкил этилган. Барча механик-ҳайдовчилар, транспорт ходимлари ўз зиммаларига конкрет мажбуриятлар олдилар Теримда дала-бункер-тележкапункт методи кенг қўлланилади, пахтанинг сифатли бўлиши ва кунлик графикларнинг ҳамма жойда сурункасига ошириб бажарилиши учун социалистик мусобақа кучайтирилади.

Узларининг фидокорона меҳнатлари билан пахтачилигимиз тарихига зарҳал саҳифалар битган қўли гул теримчиларимиз мавсумда 5-10-15 минг килограммдан, «зангори кема» капитанлари эса 100-200 ва ҳатто 400-500 тоннадан дурдона териб, ўз номларини шон-шуҳратларга буркаб келишаётгани билан чексиз фахрланамиз. Улар бу йилги йиғим-теримнинг дастлабки кунлариданоқ қаҳрамонлик намуналарини кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар. Бу йил кўпминг килограммчилик ҳаракати янада кенг қанот ёзади. Ҳамманинг қалбида теримни тезлатиш иштиёқи туғён уряпти, шаҳарликлар ҳам пахта теримига отланяпти.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ГАЗЕТАСИ РЕДАКЦИЯСИ ҲУЗУРИДА ТУЗИЛГАН «ПАХТА ШТАБИ» ИШГА КИРИШДИ

Ҳозирданоқ кўплаб звенолар ва бригадалар йиллик пахта тайёрлаш планларини ва мажбуриятларини бажариб, ғалаба рапортига имзо чекдилар.

Савдо ташкилотлари, медицина муассасалари, маданий-маиший хизмат кўрсатиш корхоналарининг ходимлари пахтакорларимизга кўмакдошдирлар. Маҳаллий партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари дала меҳнаткашлари орасида оммавий-сиёсий, ташкилий тарбиявий ишларни намунали йўлга қўйиб, уларнинг меҳнат ғайратини ва сиёсий активлигини кучайтириш чораларини кўрмоқдалар. Коммунистлар ва комсомоллар 5 миллион 700 минг тонна Узбекистон пахтаси учун курашнинг олдинги сафларида бормоқдалар. Пахта учун кураш шон-шараф ва виждон иши бўлиб қолади. Мўл пахта хирмони учун курашга бу йил областларда, районларда, хўжаликларда биринчи марта тузилган пахта штаблари раҳбарлик қиладилар.

Бу умумхалқ курашида пахтапарвар қаҳрамонлар сафи янада кенгаяди. Терим мавсумида халқимизнинг мустаҳкам иродаси, таланти, ташаббускорлиги, ҳосил тақдири учун масъулиятни ҳис қилиш фазилати яна бир синовдан ўтади.

«Совет Ўзбекистони» газетасида пахтакорларимизнинг ишлари ҳақида мунтазам равишда мақолалар, лавҳалар, репортаж ва очерклар бериб борилади. Пахта тайёрлаш планлари, мажбуриятларини бажарган звенолар, бригадалар бўлимлар, колхозлар, совхозлар, районлар ва областларнинг ғалаба рапортлари кенг ёритилади. Илғор механик-ҳайдовчилар, теримчилар, пахта қуритувчилар, қабул пунктлари ходимларининг қаҳрамонона ишлари газета саҳифаларидан муносиб ўрин олади. Газетада пахта, уруғлик пахта ва ингичка толали пахтани кўп тайёрлаган, сортининг юқори бўлишини таъминлаган, кунлик графикларини бир ярим-икки баравар бажарган, уюшқоқлик ва ташаббускорлик намуналарини кўрсатган мусобақа ғолибларининг мақолалари, улар ҳақидаги лавҳалар, очерклар ,фотолавҳалар бериб борилади.

Теримда сусткашликка, пахта сортининг бузилишига йўл қўяётган, машиналар иш унумини оширмаётган, автотрактор парклари, кўчма устаханалар ишини яхши ташкил этмаётган, исрофгарчиликнинг олдини олмаётган, ёнғинга қарши чоралар кўрмаётган хўжалик раҳбарлари, пахтани қабул қилишда нўноқлик қилаётган қабул пунктлари ходимлари ҳақида танқидий мақолалар ҳам бериш мўлжалланмоқда. Бундай материаллар «Муросасизлар сигнали», «Ташвишли сигнал» ва бошқа рубрикалар остида босилади.

Шу мақсадда «Совет Ўзбекистони» газетаси редакцияси қошидаги «Пахта штаби» яна ўз ишини бошламоқда.

Ҳурматли дала меҳнаткашларидан, газетамизнинг ишчи ва қишлоқ мухбирларидан пахта йиғим-терими ,айни кезда келаси йил мўл ҳосилига тайёргарлик ишларини синчковлик билан кузатиб боришларини, ижобий ва танқидий мақола ва хабарлар юбориб туришларини илтимос қиламиз.

Она-Ватанга 5 миллион 700 минг тонна «оқ олтин» етказиб бериш, зардоб йил синовидан ёруғ юз билан ўтиш учун ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқариб, зўр уюшқоқлик ва меҳнатсеварлик намуналарини кўрсатиб ишлайлик, пахта йиғим-теримини бутун чоралар билан кучайтирайлик!

Пахта йиғим-терими билан боғлиқ бўлган материалларни 33-73-43 ёки 33-76-04 телефонлари орқали бериш ёки почта орқали жўнатиш мумкин.

ЎЗБЕКИСТОН СПОРТЧИЛАРИ, ОЛИМПИЯ ЧЎҚҚИЛАРИНИ ЭГАЛЛАНГИЗ!

Республиканинг бир группа етакчи спортчилари ва тренерлари 12 сентябрь куни Узбекистон Компартияси Марказий Комитетида қабул қилинди. Халқаро мусобақаларнинг қатнашчилари, СССР ва Узбекистон ССР терма командаларининг аъзолари, жаҳон, Европа, Совет Иттифоқи чемпионатларида қандай иштирок этганликлари тўғрисида, олдиларига қўйган режалар ҳақида гапириб бердилар. Республикадаги бир қанча министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари физкультура ва спортни янада ривожлантириш тадбирлари тўғрисида ахборот бердилар.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов мамлакат терма командалари составида жаҳон, Европа, Совет Иттифоқи чемпионатларида муваффақиятли қатнашган, энг масъулиятли мусобақаларда Узбекистон ССР спорт шарафини муносиб ҳимоя қилган республика спортчиларини самимий табриклади. Физкультура ҳаракатининг оммавийлиги, юксак спорт маҳорати муваффақиятларнинг негизидир. Мактаб ўқувчиларининг Бутуниттифоқ спартакиадасида энг ёш спортчилар қўлга киритган дастлабки мукофотлар ана шундан далолат беради.

Ш. Р. Рашидов республика спортчиларига янгидан-янги муваффақиятлар тилади. Физкультура ва спорт меҳнаткашларни, хусусан, ёшларни жисмоний ва ахлоқий тарбиялашнинг муҳим воситаси бўлиб қолмоғи лозим. Корхоналар ва қурилишларда, колхозлар ва совхозларда, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида, умумий таълим мактабларида ва ҳунар-техника билим юртларида замонавий спорт базаси бўлиши зарур. Бу иш партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотларининг диққат-марказида туриши лозим. Андижон областида, Фарғона областининг Киров районида ва бир қанча спорт коллективларида оммавий физкультура ва спортни йўлга қўйиш тажрибасини кенг оммалаштирса арзийди.

Тренер кадрлар тайёрлаш, спортчилар билан самарали ишлаш учун уларга барча зарур шароитларни вужудга келтириш тўғрисида ғамхўрлик қилиш керак. Юқори класс спортчилар тайёрлашга алоҳида эътибор бериш зарур.

СССРда хизмат кўрсатган спорт мастери, енгил атлетика бўйича Европа чемпиони ва жаҳон рекордчиси Светлана Улмасова, самбо кураши бўйича СССРда хизмат кўрсатган тренер Геннадий Калеткин, жаҳон ва Европа чемпионатининг совриндори, халқаро классдаги спорт мастери Собир Рўзиев, от спорти бўйича СССР чемпиони, Мюнхен олимпиадасининг қатнашчиси Мамажон Исмоилов, Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган тренер Аида Пахомова ,физкультура ва спортни ривожлантириш тўғрисида оталарча ғамхўрлик қилаётганликлари учун Коммунистик партия билан Совет ҳукуматига астойдил миннатдорчилик билдирдилар.

Қабул маросимида Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретарлари И. Г. Анисимкин, Л. И. Греков, Й. Р. Курбонов, О. У. Салимов ҳозир бўлдилар. [ЎзТАГ].

КПСС XXV СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ АМАЛДА

„ИШЧИ ЭСТАФЕТАСИ“ — МУВАФФАҚИЯТ ГАРОВИ

Мусобақани «Ишчи эстафетаси» асосида ташкил қилишнинг намунаси сифатида Ўрта Осиёдаги йирик иссиқлик электр станцияси — Сирдарё ГРЭСи бунёдкорларининг тажрибасини кўрсатиш мумкин. Бир неча йил аввал бу ерда 300 минг киловатт қувватли биринчи энергоблокни муддатидан илгари ишга тушириш учун социалистик мусобақа авж олиб кетди. Кейинчалик зарбдор вахта давом эттирилди. «Ишчи эстафетаси» республика бўйлаб одимлади. У Ширин шаҳридан мminглаб километр узоқликда бўлган корхоналарга ҳам ёйилди.

Бу ерга мамлакатимизнинг барча республикаларидаги кўпгина шаҳарлардан қурувчиларнинг социалистик мажбуриятларида белгиланган муддатларда лойиҳа-смета ҳужжатлари, ускуналар, материаллар келиб турибди. Қурилиш майдонида буюртмачилар, лойиҳачилар, энергетика иншоотлари бунёдкорлари, материал ва конструкциялар етказиб берувчиларнинг куч-ғайрати бирлашган. Бунинг натижалари қувончли. Сирдарё ГРЭСининг барча энергетика блоклари белгиланган вақтда ёки графикда кўзда тутилганидан илгари ишга туширилди. Мамлакат юзлаб миллион киловатт-соат планга қўшимча электр энергия олди. Мирзачўлликлар бу билан КПСС XXV съезди томонидан қўйилган муҳим вазифани адо этдилар.

Сирдарё ГРЭСи ишламоқда ва қурилмоқда. Навбатдаги саккизинчи блокни монтажлаш давом эттириляпти. Республика энергетикаси паҳлавон корхонасини бунёд этиш масалалари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ҳамиша диққат-эътиборида.

Ушбу саҳифа материаллари Сирдарё ГРЭСи қурилишида турдош касб эгалари мусобақасини ташкил этиш тажрибаси ҳақида ҳикоя қилади.

ТУРДОШ КОРХОНАЛАР ХОДИМЛАРИНИНГ «ИШЧИ ЭСТАФЕТАСИ» ПРИНЦИПИ АСОСИДА МУСОБАҚА БОШЛАШ — БЕШ ЙИЛЛИК ПЛАНДА КЎЗДА ТУТИЛГАН ЭНГ МУҲИМ ҚУВВАТЛАР ВА ОБЪЕКТЛАРНИ ЎЗ ВАҚТИДА ҲАМДА МУДДАТИДАН ИЛГАРИ ИШГА ТУШИРИШ УЧУН ҚУРИЛИШЛАРНИНГ, ЛОЙИҲАЧИЛАРНИНГ, САНОАТ, ТРАНСПОРТ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИҚ КОРХОНАЛАРИНИНГ КОЛЛЕКТИВЛАРИ ЎРТАСИДА МУСОБАҚАЛАШИШ ТАШАББУСИНИ КЕНГ МИҚЕСДА РИВОЖЛАНТИРИШ ФОЙДАЛИ БЎЛУР ЭДИ.

(ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВНИНГ ВЛКСМ XVIII СЪЕЗДИДАГИ НУТҚИДАН).

Юрий Козлов бошлиқ слесарь-монтажчилар бригадаси Сирдарё ГРЭСи агрегатларини муддатидан илгари ишга туширишда намуна кўрсатиб меҳнат қилиб келмоқда.

А. ГОРОКРИК фотоси. (ЎзТАГ).

МУТАХАССИС ШАРҲИ

МИНГЛАРНИНГ КУЧ-ҒАЙРАТИ

Ўзбекистон ССР энергетика ва электрлаштириш министрининг ўринбосари Уткир Самиғович ҲОШИМОВ ҳикоя қилади

Сирдарё ГРЭСи блокларининг муддатидан илгари ўзлаштирилиши ҳисобига мамлакат халқ хўжалиги 1,5 миллиард киловатт-соат электр энергия олди. Бу қўшимча миллиардлар «Ишчи эстафетаси» туфайли қўлга киритилди. «Ишчи эстафетаси» улкан технология занжирининг барча бўғинларини — лойиҳачилар, ускуналар тайёрловчилар, қурувчилар, монтажчилар, созловчилар ва корхонадан фойдаланувчиларнинг куч-ғайратини бирлаштирди. Уларнинг мақсади — Ўрта Осиёдаги энг йирик иссиқлик электр станцияси қувватларини тез ўзлаштириш ва ишга тушириш.

Ўзбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириш министрлиги коллективи зарбдор қурилишда буюртмачиликдан иборат масъулиятли вазифани бажармоқда. Дастлабки кунларданоқ биз қурувчиларнинг узлуксиз, бир маромда ишлашини таъминлаш шароитларини вужудга келтиришга ҳаракат қилдик. Бу — объектни лойиҳа ҳужжатлари билан таъминлаш, молиявий таъминотни намунали йўлга қўйиш, ускуна ва материалларни белгиланган вақтларда қатъий етказиб беришдан, янги қувватларни тез ва самарали ўзлаштиришдан иборатдир.

Бу вазифани адо этиш учун катта ҳажмда инженерлик тайёргарликларини кўришга тўғри келди. Ускуна етказиб берувчи юзлаб корхоналар билан амалий алоқалар йўлга қўйилди, навбатдаги вазифалар белгиланди. Жумладан, ишни комплекс тарзда йўлга қўйиш катта роль ўйнади. Бу, станцияни барпо қилиш билан бир вақтда энергетикларнинг янги шаҳарчаси Ширини бунёд қилишда жуда қўл келди. Ишдаги бундай тартиб кадрлар коллективини мустаҳкамлаш, Мирзачўлда энг мураккаб вазифаларни адо этувчи бинокор ва корхонадан фойдаланувчиларнинг барқарор коллективини вужудга келтиришга имкон берди. «Ишчи эстафетаси» қудратли моддий таянч вазифасини ўтади.

Орденли «Узбекэнергострой» трестининг ходимлари энергетика гигантини барпо қилиш муддатларини тезлаштиришга қаратилган бир қанча тузатишлар киритдилар. Трест бригадалари ускуналарни монтажлашнинг тезкор усулларини — йирик блокларни йиғишни ўзлаштирдилар. Қурувчиларга иш фронти яратиб бериш мақсадида мусобақага РСФСР, Украина, Қозоғистон, мамлакатимизнинг бошқа районлари ишчилари, турдош корхоналарнинг мутахассислари, ускуна тайёрловчилар ҳам қўшилдилар.

Сирдарё ГРЭСи — Ўзбекистон энергетикасида техника тараққиёти юксак босқичларининг ажойиб ифодасидир. Бу ерда биринчи марта 300 минг киловатт қувватли энергоблоклар қўлланилди, технология жараёнлари автоматлаштирилди. Станция ходимларидан юксак ишлаб чиқариш маданияти, қатъият билан меҳнат қилиш ва уюшқоқлик талаб қилинарди. Бундай сифатларга эга бўлишда Ширин энергетикларига Совет Иттифоқининг 34 йирик электр станциясидаги ҳамкасблари ёрдам кўрсатдилар. Бу ерда мамлакатимиздаги 28 миллат вакиллари елкама-елка туриб меҳнат қилмоқдалар. Уларнинг ҳаммаси 300 минг киловатли блокларни олдинма-кетин лойиҳадаги қувват даражасига етказиш учун кураш мусобақасига қўшилдилар. Бу муваффақиятларга ишлаб чиқариш илғорларидан В. Алексеев бошлиқ коллектив, машинистлардан А. Хўжаилов, И. Кулагин, Т. Перепелкина, мастер Г. Якужина, слесарь В. Буряк катта ҳисса қўшдилар. Улар беш йилликнинг учинчи йили учун олган мажбуриятларини адо этдилар.

Саккизинчи энергоблокни Октябрь байрами арафаси кунлари ишга тушириш мўлжалланган. Шу билан станция қурилишидаги яна бир муҳим босқич якунланади. Корхонанинг иккинчи навбати қуриб бўлинади. Станциянинг қуввати 2400 минг киловаттга етказилади.

Мирзачўлда авж олиб кетган «Ишчи эстафетаси» ташаббуси бизга кўп нарсани ўргатди. Ўзбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириш министрлиги Сирдарё ГРЭСида тўпланган тажрибани бошқа янги зарбдор қурилишларда, КПСС XXV съезди қарорлари асосида барпо қилинаётган Янги Ангрен ГРЭСида ва Толимаржон станцияси объектида ҳам қўллайди.

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

Дастлабки бетон станция биносига 1970 йил 22 апрелда — дохий В. И. Ленин туғилганлигининг 100 йиллиги кўни ётқизилганди. 300 минг киловатли биринчи энергоблок 1972 йил декабрида фойдаланишга топширилди.

* * *

Сирдарё ГРЭСининг ҳаракатдаги генераторлари Узбекистон иссиқлик станциялари ҳосил қилаётган барча энергиянинг тўртдан бир қисмидан кўпроғига тўғри келади.

Шу йил бошидан буён Сирдарё ГРЭСинжинг энергетиклари 5,4 миллиард киловатт-соат электр энергия (шундан 12 миллион киловатт-соати планга қўшимча) ҳосил қилдилар.

* * *

Мамлакатимизнинг 46 та йирик завод ва бирлашмаси Сирдарё ГРЭСига ускуналар етказиб бермоқда. Энергетика гигантининг ҳар беш ходимидан бири ўқиляпти. 200 нафардан кўпроқ киши кечки, сиртқи институт ва техникумларнинг студентларидир. 286 киши иқтисодий ўқув тўгаракларида шуғулланмоқда. 521 киши — малака оширш курсларининг тингловчилари.

* * *

Сирдарё ГРЭСи қурилишларида Бутуниттифоқ рекордларидан бир қанчаси қайд қилинган. 7-турбинани монтажлаш 45 кунда тугалланди. Ваҳолонки, бу ишга олти ой ажратилганди.

* * *

Станция билан бир вақтнинг ўзида энергетиклар шаҳарчаси Ширин ҳам қурилди. Бу ерда ҳозирнинг ўзидаёқ 140 минг квадрат метр уй-жой, 5 та болалар боғча-яслиси, икки мактаб, ҳунар-техника билим юртти, шаҳар касалхонаси, магазинлар, клублар, кинотеатрлар қурилди.

ТАЖРИБА КЕНГ ЁЙИЛМОҚДА

Ҳ. ШОҒАЗАТОВ,
«Узбекгидроэнергострой» трести бошқарувчиси

Октябрнинг 61 йиллиги арафасида Сирдарё ГРЭСининг саккизинчи энергоблоки ишга туширилади. Шу билан станциянинг иккинчи навбати қурилиши тугалланади. Коллективимиз 300 минг киловаттли агрегатлардан тўрттасини монтаж қилиш ишлари муддатини қисқартиришга эришди. Умумий қуввати 1200 минг киловатт бўлган шу блокларни ишга тушириш ўн ой қисқарди. Бундай тезкорликни таъминлашда «Ишчи эстафетаси»нинг афзаллиги катта бўлди. Қурилишда қатнашаётган барча коллективлар блоклар ишга туширилиадиган кунларни яқинлаштириш учун қатъий кураш олиб бордилар.

Биз блокларни тезкор усулда монтаж қилиш борасида Чорвоқ ГЭСи қурилишида тажриба орттирган эдик. Бу иншоот ҳам муддатидан илгари фойдаланишга топширилди. Ускуналар етказиб берувчи коллективлар билан мустаҳкам алоқа бир йил мобайнида Хўжакент ГЭСидаги ишлар циклини батамом тугаллаш имконини берди. Дарё тўсилди ва учта гидроагрегат монтажланиб бўлди.

Мирзачўлдаги энергетика гиганти қурилишнинг биринчи кунлариданоқ ҳар бир иш босқичини адо этиш учун вақтдан мумкин қадар кўпроқ ютишга ҳаракат қилдик. Қурилишга ускуналар етказиб берувчи коллективлар трестимизнинг бўлимларига биркитиб қўйилди. Металл конструкциялар ва темирбетон, дурадгорлик буюмлари, инерт материаллар, ускуналар, қурилиш техникаси етказиб бериш шу тариқа қатъий назорат остига олинди.

«СирдарьяГРЭСстрой» бошқармаси коллективи бундай шароитда тезкор монтажлаш технологиясини ўзлаштиришдан иборат муҳим масалани ҳал этишга эришди. Ушбу усулга мувофиқ, махсус майдонда барча деталлар ерниг ўзида кўп тонналик қилиб йириклаштирилади, кейин юқорига кўтарилади. Бу бизга қурилиш билан бирга монтажлаш ишларини қўшиб олиб боришга, ускуналарни йиғишни тезлаштиришга, меҳнат унумдорлигини оширишга имкон беради.

Сирдарё ГРЭСи қурилиш майдонида мусобақа қатнашчилари қўлга киритган бундай юксак суръат бизнинг таклифимизга мувофиқ пудратчи ташкилотлар ва ёрдамчи корхоналарнинг планларида ҳам акс этди. Уларнинг социалистик мажбуриятларида зарбдор қурилиш буюртмаларини бажариш ажралмас модда бўлиб қолди. «Узбекгидроэнергострой» трестининг махсус ишлар бошқармаси, «Средазэнергомонтаж» трестининг Ўзбекистон бошқармаси, «Электросибмонтаж» трестининг Ўзбекистон участкаси, «Средазэнергомонтажизоляция» бошқармаси участкаси ва СССР Энергетика ва электрлаштириш министрлиги бошқа ташкилотлари ўз вазифаларини қатъият билан графикда кўзда тутилганига мувофиқ адо этмоқдалар.

Бизнинг буюртмаларимизни Новосибирск, Кураховск темир-бетон ва металл конструкциялар заводлари бир маромда бажармоқдалар. «Энергостройиндустрия» трести ишлаб чиқариш бирлашмалари зарбдор қурилиш учун қўйилган турдаги буюмлар, аксарият катта ҳажмдаги конструкцияларни етказиб бермоқда. Трестнинг автотранспорт бирлашмаси коллективлари графикда белгиланган вақтда Мирзачўлга материал ва ускуналар етказиб беришни таъминлаяпти.

Бу ташкилотларнинг куч-қудратини бирлаштиришда бизга «Ишчи эстафетаси» катта кўмак берди. Сирдарё ГРЭСи қурувчилари тўплаган тажриба Ўзбекистон энергетика иншоотлари бунёдкорлари орасида кенг ёйилди. Трест ҳузурида махсус ўқув комбинати ташкил қилинди. Бу ерда инженерлар ва ишчилар блокларни йирик ҳолда монтажлаш методи — тезкорлик усулини ўрганмоқдалар. Трестнинг барча энергетика қурилишларида комбинатнинг филиаллари очилди. Яқинда Ғазалкент ГЭСи ва Янги Ангрен ГРЭСида энергетика блокларини монтаж қилиш бошланади. Ҳар икки зарбдор қурилишда мирзачўлликларнинг таъсирчан социалистик мусобақани ташкил қилиш тажрибасидан фойдаланамиз.

ҚАРДОШЛИК МАДАДИ

ЛЕНИНГРАД:

МУДДАТИДАН БИР ОЙ ИЛГАРИ

«Саккизинчи агрегат монтажланмоқда. Уни муддатидан илгари — Октябрнинг 61 йиллигига ишга тушурамиз». Бу хабар Сирдарё ГРЭСидан «Ленинград металл заводи» бирлашмасига бориб етганда қардошлар қанчалар мамнун бўлганликларини билсангиз эди. Айниқса Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Владимир Степанович Чичеров бошлиқ слесарь-монтажчилар бригадаси аъзолари бу хабардан қувониб кетдилар. Демак, зарбдор меҳнат эстафетаси муваффақиятли давом этмоқда: 300 минг киловаттли саккизинчи агрегат Узбекистоннинг йирик иссиқлик электр станциясига белгиланганидан бир ой олдин етказиб берилди.

Ҳар бир цех, участка, бригада корхонада меҳнат муваффақиятларини таъминлайдиган резервларни излайди, топади. Слесарь-монтажчиларнинг ҳиссаси айниқса салмоқли. Бригада йиғув технологиясини ўзгартиришга аҳд қилди. Ўнлаб тонна оғирликдаги цилиндрлар илгари тик тарзда монтаж қилинарди. Владимир Степанович уларни ёнбошлатиб қўйишни таклиф қилди.

— Цилиндрнинг барча томонларига айланиб ўтиш қулай бўлиб қолди, — дейди Чичеров. — Кранларнинг ҳаракати қисқарди. Натижада ишларни деярли икки ҳисса тезлаштириш мумкин бўлди. Бу бригада билан бир сафда неча йилдан буён Пётр Моторов бошлиқ пайвандчи ёшлар ишлашади. Умумий ишга алоқадор бу икки бригада қўшма социалистик мажбуриятлар қабул қилди. Тез орада монтажчи-пайвандчилар комплекс бригадаси ташкил топди. Эндиликда П. Моторов бригадаси монтажлаш ишларининг тугалланишини кутиб ўтирмайди. Бир узел тайёр бўлдими, унда пайвандловчининг зангори учқунлари сачрай бошлайди. Шу тариқа монтажлаш-пайвандлашнинг узлуксиз жараёни вужудга келди.

Ҳатто энг яхши шу икки бригаданинг ўзи ҳам масъулиятли буюртмаларнинг тақдирини тўла ҳал этолмайди. Шунинг учун жамоат ташкилотлари Сирдарё турбинаси технология занжирининг барча қатнашчилари социалистик мажбуриятларида бунги кўзда тутишлари ҳақида ғамхўрлик қилди.

Аввалига иш унча юришмади. Масалан, турбина учун металл комплект тарзда етказиб берилмади. Бу ҳол «Комсомол прожектори» орқали ёритилди. Чоралар кўрилди, тадбирлар белгиланди. Бирлашма комсомол комитети ҳузуридаги прожекторчилар штаби ёрдамида ишда силжиш бўлди.

Ҳар бир турбоқурувчи Сирдарёнинг 300 минг киловаттли агрегатини барвақт тайёрлаб беришга ўз ҳиссасини қўшди. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони И. Морозов бошлиқ токарь-каруселчилар бригадаси кўп тоннали узелларни тайёрлашни уч кеча-кундуз қисқартиришга эришди. Ишчи И. Великохатский, А. Махов бошлиқ ёш пайвандчилар коллективи, И. Декун раҳбарлик қилаётган сиповчилар бригадаси ишни тезлаштиришда катта мадад кўрсатдилар.

ЗАПОРОЖЬЕ:

ГРАФИКДАН АВВАЛ

«Запорожтрансформатор» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош заводи коллективи Сирдарё ГРЭСи учун қудратли куч трансформаторини графикда белгиланганидан бир ой илгари етказиб берди. Бу ишда Ю. Глазунов бошлиқ йиғувчилар бригадасининг хизмати катта. Бригада аъзолари Узбекистон энергетика гиганти учун қудратли трансформаторни тез ва сифатли қилиб йиғиб бердилар.

Ишни аниқ ташкил қилиш зарбдор меҳнат натижаларини кўпайтирди. Кўпгина йиғувчилар маҳоратларини оширдилар, ўхшаш касбларни эгалладилар. Коммунистлар беш йиллик энергетика қурилишлари буюртмалари қандай бажарилаётганлигини назорат остига олдилар.

Бригада ишлаётган участкада стенд-график мавжуд. Унда трансформаторлар тайёрлаш муддатлари кўрсатиб қўйилган. Буюртма бажарилгач, у юборилиадиган буюртмачи станция номи ёзилган қатордаги хоналардан бирига қизил юлдуз белгиси қўйилади. Ю. Глазунов бошлиқ йиғувчилар бу йил Норак ва Саяно-Шушенское ГЭСлари учун трансформаторлар тайёрлаб жўнатдилар. Сирдарё ГРЭСи буюртмаси графикдан илгари адо этилди.

ҲАМКОРЛИК ШАРОФАТИ

Ольга МИХАЙЛОВА,
изоляция ишлари мастери

— Илгари биз объектга монтажчилардан кейин келардик. Эндиликда улар билан бир вақтнинг ўзида кўпгина ишларни адо этиб қўймоқдамиз. Қурилишда ишлар жадаллашиб бормоқда. Биз контроль-ўлчов асбоблари слесарлари сингари барча ишнинг ярмидан кўпроғини ерниг ўзида бажариб, йириклаштирилган блокларни юқорига олиб чиқишга ҳозирлаб бермоқдамиз. Узелларни йириклаштириш майдонида монтажчилар билан ёнма-ён электр слесарлар, изоляцияловчилар, қозон қурилмаларини ўрнатиш билан машғул барча кишилар меҳнат қилмоқдалар. Бизнинг вазифамиз километрлаб узунликдаги қувурларни изоляциялашдан иборат. Жараёнларни адо этишнинг тезлиги ва аниқлиги нормадагидан анча юқори. Буни монтажчилар бригадасининг илғор тажрибаларини қўллаш натижасида ўзлаштириб олдик. «Ишчи эстафетаси» афзалликларидан бири ана шудир. Биз буюртмачиларга янги агрегатни нормада белгиланган муддатдан олдиниоқ топширамиз.

* * *

Эрифат УЛАНОВ,
монтажчилар бригадири

— Зарбдор меҳнат қилиш учун ҳамма шароитлар бор. Таганрогдаги «Красний котельщик» заводи 8-энергоблок деталларини барвақт жўнатди. Маслаҳатлар бериб туриш учун малакали инженерлар юборди. Қурувчилар 8-агрегат биносини графикда белгиланган вақтда тикладилар. Қозон учун майдон ҳам бетонлаб қўйилди.

Биз зарбдор маром билан иш бошлаб юбордик. Бригадамиз — комплекс бригада. Унда 44 киши ишлайди. Минутларни ҳам аввалдан мақсадида уч смена ташкил қилдик. Уларнинг ҳар бири ўз ишини яхши билади. Бизнинг коллективимиз барқарор, бир қанча йиллардан буён уларнинг сафи деярли ўзгаргани йўқ. Ҳар бир кишига илгариги энергоблокларни йиғишда орттирилган тажриба катта ёрдам бермоқда. Ишимизнинг юришиб бораётганига асосий сабаб ҳам шу.

ЗАРБДОР СУРЪАТДА

Сирдарё ГРЭСи саккизинчи энергоблокининг қурилаётган улкан қозонхонаси устида радио орқали команда янгради. «Эрифат Уланов бошлиқ бригаданинг барча аъзолари монтаж майдончасига йиғилишларини сўраймиз». Монтажчилар ҳайрон бўлганларидан бир-бирларига қараб. 40 метр баландликдаги пастга тушишди. Пастда эса уларни кутиб туришарди. Эрифат Уланов бошлиқ коллективни эришган меҳнат муваффақияти — саккизинчи энергоблок қозонхонаси монтажини муддатидан бир ҳафта илгари тугаллаганлиги билан тантанали равишда мубораклаб этишди.

Бундан бор-йўғи бир ой илгари юк ортилган сўнгги платформа Сирдарё ГРЭСининг йиғиш майдончасига келган эди. Кранчи Г. Маргевич, монтажчи Л. Белов, А. Пак, Х. Асановлардан иборат зарбдор звено аниқ ва ҳамжиҳатлик билан ҳаракат қилди. Таганрогдан келган посилка — ўн тоннали деталлар йиғмаси уларнинг қўли билан юз тоннали битта пўлат блокка айланди. Бу баҳайбат блокни иккита кран оҳиста юқори кўтарди. 40 метрли баландликда Эрифат Уланов бошлиқ коммунистик меҳнат бригадасининг қолган звенолари ишга шай бўлиб туришарди.

Бригада яхши ишлади. Йиғув майдончасида нормада белгиланганидан 20 кун барвақт соатига 950 тонна буғ ҳосил қиладиган қозон йиғиб бўлинди. Бу муваффақиятга бинокорлар ва монтажчилар билан бирга таъминотчи — Таганрогдаги «Красний котельщик» заводи меҳнат аҳли ҳам катта ҳисса қўшди.

Саҳро узра «Ишчи эстафетаси» — объектни барвақт фойдаланишга топшириш гарови!» деган сўзлар ёзилган шиорлар ҳилпирай-ди. Сирдарё ГРЭСи саккизинчи энергоблоки қурилиши майдончасида ишлаётган барча кишилар бу даватнинг амалда кенг жорий қилинаётганини кўриб турибдилар. Маълумки, энергосозлар саккизинчи блокни барвақт ишга тушириш мажбуриятини олганлар. Сўзнинг устидан чиқишнинг ягона йўли — меҳнатнинг тезкор усулларини қўллашдир. Турбина ва генераторларни йиғувчилар, ўровчилар, футеровчилар, приборчиларнинг ҳар бири ўз иш жойида вақтни тежаш йўлини топди. Контрол-ўлчов приборлари ва автоматларининг электр слесарлари асбоб-ускуналарни ўрнатиш бўйича ҳар бир жараёнда 30 минутдан 6 соатгача вақтни тежашни ўрганиб олдилар. Кўплаб беточчилар бригадалари дурадгорлик қилишни ва арматура ётқизишни ўзлаштирдилар. Сувоқчи ва бўёқчилар эса пардозлаш техникасидан юз процент фойдаланишга эришдилар.

— Қурилиш майдончасидаги зарбдор иш суръати барча материал ва ускуналарни келтиришни жадаллаштиришни талаб қиларди, — дейди «СирдарьяГРЭСстрой» бошқармаси бошлиғи С. Функ. — Таъминотчиларнинг биронтаси ҳам бу масалага бефарқ қарагани йўқ. Турли республикалардаги ўнлаб коллективлар сирдарёликларга социалистик мажбуриятларни бажаришда яқиндан ёрдам беришяпти.

«Ленинград металл заводи» бирлашмаси Мирзачўлга саккизинчи турбина деталларини барвақт жўнатди. «Электросила» муддатидан анча олдин генераторни юборди. Уралдан—қудратли насослар, Запорожьедан — куч трансформатори, Сибирдан приборлар ва бошқа ускуналар келди.

Таъминотчи заводлар фақат асбоб-ускуналар билангина эмас, конкрет ишлари, маслаҳатлари билан ҳам кўмак беришяпти. Қурилишда шу корхоналарнинг инженер ва ишчиларидан иборат шефмонтажчилар ҳозиру нозир. Таганроглик Борис Иванов ва Павел Рублёв, ленинградлик Александр Лоховинин, Пётр Иванов ва Виктор Ушаков Сирдарё ГРЭСининг ўз одами бўлиб қолишди. Асбоб-ускуналарни созлаш ва синашнинг нормадаги муддатлари икки баравар қисқарган экан, бунда шефларнинг ҳам катта ҳиссаси бор.

Саккизинчи энергоблок қурилишида монтажчилар учун иш фронти яратилгач, Сирдарё ГРЭСи қурувчилари ўша заҳотиёқ янги объектга ўтишди. Уларга келаси йили 300 минг киловатт қувватли тўқкизинчи блокни барвақт ишга тушириш учун замин тайёрлаб қўйиш топширилди. Ҳозир қудратли экскаваторлар котлован қазяпти. Д. Қурбонбоев, Р. Файсхонова, А. Ишченко бошлиқ ва бошқа комплекс бригадаларнинг коллективлари опалубка ўрнатиш, арматура тўқиш, барвақт етказиб берилган йиғма темирбетонни тўқкизинчи энергоблок пойдеворига қўйиш билан банд. Ҳа, ускуналар ортилган эшелонлар кела бошлаганда, монтажчилар янги кенг иш фронтини оладилар. Бунга шак-шубҳа йўқ. Чунки аввалги барча энергоблоклар қурилишида худди шундай бўлган.

Шу кунларда Сирдарё ГРЭСининг еттита энергоблоки ишлаб, умумий қуввати 2,1 миллион киловаттга етди. Уларнинг тўрттаси муддатидан илгари фойдаланишга топширилган. Умуман олганда, станцияда янги қувватларни ишга тушириш нормадагидан бир йилдан ортиқроқ олдин бормоқда. Бунинг шарофати билан Ўрта Осиёдаги завод ва фабрикалар, шаҳар ва қишлоқлар, ирригация тармоқлари шу кунгача 33 миллиард киловатт-соат энергия билан таъминланди.

Бу саҳифа материалларини ЎзТАГ мухбирлари Ю. НИКОЛАЕВ, В. РИҚСИЕВА, Г. ТРАНДОФИЛОВ, Э. ШАЛЬ тайёрлаган.

АНДИЖОН ОБЛАСТИ. 89-қишлоқ ҳунар-техника билим юрти қошида ташкил этилган 6 ойлик курсни муваффақиятли тамомлаган 22 қиз қадрдон хўжаликлари — Қўрғонтепа районидаги Ҳамза номли совхозга келишди. Уларнинг ҳар бири мавсумда 80 тоннадан пахта териб беришга аҳд қилишган. Қизлар «зангори кема»ларни бошқаришга шай бўлиб туришибди.

Суратда: 22 ёш механизаторнинг бири Лайли Кўпаева.

Ш. Алимов фотоси (ЎзТАГ).

ПРОПАГАНДИСТЛАРГА ЁРДАМ

— Диапозитивларнинг мана бу туркумини ҳам олишингизни маслаҳат киламиз. Башарти сизда диапроектор бўлмаса, уни ҳам ижарага олишингиз мумкин...

Тошкент шаҳар Ленин район партия комитети ҳузуридаги партия кабинетининг ходимаси Н. Н. Птицина ана шу қўлланмани «Гордорстройремонт» трестининг инженери В. Х. Раҳимовга топширди. У партия кабинети қошида ташкил этилган таълимнинг техника воситаларини ижарага олиш пунктининг дастлабки абонентларидан бири бўлди. Райондаги 300 га яқин партия ташкилоти агитаторлари, пропагандистлари, сиёсий ахборотчилари ихтиёрида диапозитивлар, плакатлар, киноленталар, магнитофонлар, фильмоскопларнинг анчагина фонди бор.

ОЛИМЛАР—ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА

ПАХТАЗОРДА „АЛЬФА“

КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил июль Пленумида мамлакатда пахта етиштиришни муттасил кўпайтиришнинг ишончли базаси яратилди, деб таъкидланиши пахтакорларнингина эмас, ишчилар ва инженерларнинг, олимлар ва конструкторларнинг, учувчиларнинг, қўйинг-чи, «оқ олтин»дан осмонўпар хирмонлар уйишга ўз улушини қўшаётган барча кишиларнинг меҳнатига берилган юксак баҳо эди. Бу гап пахтачиликни ривожлантиришнинг асосий вазифаларидан бири — «оқ олтин» йиғим-теримини механизациялашни ҳар тарафлама кенгайтиришга, янги, самарали дефолиантлар яратиш билан ҳисса қўшаётган кимёгар олимларимиз шаънига ҳам тўла тааллуқлидир. Шу муносабат билан «СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» мухбири Р. ҚОСИМОВ Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтининг умумий химия кафедраси ва проблема лабораторияси мудири, химия фанлари доктори, профессор Норхўжа Хўжаевич МАҚСУДОВ билан учрашиб, бир неча саволларга жавоб беришни сўради.

— Норхўжа Хўжаевич, янги дефолиантлар яратиш соҳасида кейинги йилларда қилинган ишлар ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг X пленумида «...машинада терилган пахтанинг миқдори йил сайин кўпаяверади ва пахта ҳосилини теришда қўл меҳнати бутунлай суриб чиқариладиган вақт яқинлашиб қолди» деб таъкидланди. Бу ҳол пахтачиликни механизациялашни тағин ҳам кучайтиришни тақозо этади. «Зангори кема» капитанларининг биз, кимёгарлар олдига қўяётган асосий талаби ғўза баргини сифатли, ўз вақтида ва тўла-тўкис тўкишга қодир дефолиантларни яратишни тезлатишдан иборатдир.

Республикамиздаги бир қанча илмий-тадқиқот институтлари ҳамда етакчи олимлар ғўза дефолиацияси учун ҳар тарафлама қулай ва ташқи муҳитга безарар дори яратиш устида иш олиб бормоқдалар. 1974 йили кафедрамиз ҳузурида проблема лабораторияси ташкил этилиши билан тадқиқотлар қўламини янада кенгайтирдик. Ижодкор ва заҳматкаш ходимларимизнинг кейинги 4-5 йиллик илмий изланишлари эса ғўза баргини тўқсон процентга қадар тўкишга имкон берадиган дори яратилиши билан якунланди.

— «Альфа» дорисини назарда тутаётган бўлсангиз керак-а?

— Шундай. 4-5 йиллик илмий изланишлар... Айтишга осон. Икки ярим мингдан ортиқ органик бирикмаларни синтез қилиш, уларни лаборатория шароитида ва бевосита далаларда синаб кўриш, шу аснода кимёвий дорининг қишлоқ хўжалиги зараркунандаларига, бегона ўтларга қарши қурашдаги, энг асосийси, ғўза баргини тўкишдаги таъсирини муттасил кузатиб бориш зарур. Шу зайл, тинимсиз меҳнат ва изланишлар асосидагина 20 та бирикманинг кўнгилдагидек натижа бериши аниқланди. Уларнинг ичида энг истиқболли ва атроф муҳитга зарарсиз деб топилгани «Альфа»дир.

Янги дефолиант сифатида расмий равишда эътироф этилгунга қадар «Альфа» обдон «чиғириқдан ўтди». Шундай бўлиши табиий. Аввало, унинг ташқи муҳитга таъсири ўрганилди. Тошкент давлат медицина институтининг коммунал гигиена кафедрасида олиб борилган текширишларда янги дори одам ва ҳайвонлар учун зарарсиз деб топилди. Шундан кейингина унинг биологик активлиги вегетацион идиш ва лизиметрларда, институтимизнинг Тошкент область Ўрта Чирчиқ районидаги ўқув-тажриба хўжалигида текшириб кўрилди. Дастлабки саралаш текширувлари эса ВАСХНИЛнинг мухбир аъзоси, профессор А. Ёмомалиев раҳбарлигида Бутуниттифоқ пахтачилик илмий-тадқиқот институтининг дефолиация лабораторияси ходимлари билан ҳамкорликда ҳам теплица шароитида, ҳам пахтазорларда ўтказилди. Тажриба-синовларнинг барча босқичида «Альфа» дориси чиндан ҳам самарали эканлиги исботланди.

— Республикамиз пахтазорларида кенг қўлланиб келинаётган магний хлорати ва бутифосдан янги дефолиант нимаси билан фарқ қилади?

— Бу дефолиантлар пахтачиликда мезон, эталон бўлиб қолган. Аммо тажриба улар ҳам камчиликлардан ҳоли эмаслигини кўрсатди. Чунончи, магний хлорати жуда таъсирчан бўлиб, ғўза баргларини ҳаддан ташқари қовжиратиб юборади. Барглар ҳазон бўлиб қолса ҳамки, тупидан тўкилмайди, терим чоғида пахтани ифлослантириб унинг сифатига салбий таъсир этади. Устига-устак бу дорини сақлаш ҳам анча мураккаб. Бутифос ғўза баргини бир варакайига тутдек тўккани билан тирик организмларга таъсири салбий, қатто бирмунча зарарли эканлиги аниқланган. Бу жиҳатдан «Альфа» улардан афзал. Бу ҳақда юқорида айтиб ўтдик.

Беруний номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти лауреати профессор С. Пўлатов раҳбарлигида дефолиация учун татбиқ этилган «ОВХ-14» аппарати ёрдамида сурункасига икки йил ўқув-тажриба хўжалигимизда янги дори синаб кўрилди. Қиёслаш мақсадида маълум майдондаги пахтазорга магний хлорати ва бутифос сепилди. Ўн иккинчи кунга бориб магний хлорати таъсирида 66,5—82, бутифос таъсирида 80—88,5, «Альфа» таъсирида эса 85,3—94.1 процент барг тўкилди.

1977 йил янги дефолиант синовида муҳим босқич бўлиб қолди. «Альфа» республикамизнинг олти областидаги 25 хўжаликда 500 гектардан ортиқ майдонда, ғўзанинг тўрт хил, шу жумладан, ингичка толали ғўза навида синаб кўрилди. Шу препарат таъсирида баргларнинг тўкилиши ўрта ҳисобда бутифос таъсиридагига қараганда беш, магний хлорати таъсиридагига қараганда эса 17 процент кўп бўлди. Қашқадарё ва Сурхондарё областларида экилган «5904-И» навли ингичка толали ғўзага ҳам «Альфа» самарали таъсир этди. Тегишли илмий муассасаларнинг дастлабки маълумотларига қараганда янги дефолиант ишлатилганида толаларнинг технологик сифати ва чигитнинг мой миқдори деярли ўзгармаган.

— Демак, пахтачиликни комплекс механизациялашга ўзига хос ҳисса бўлиб қўшилажак илмий ишингиз охирлаб қолибди-да?

— Аксинча. Иш энди бошланди дейиш мумкин. Шу йил февраль ойида республика Фанлар академияси президиумининг йиғилиши янги дефолиантлар бўйича илмий изланишларга бағишланди. Йиғилишда ўзбекистонлик кимёгар олимлар таклиф этган ва ҳозирча синов босқичида бўлган «ЦАКС», «УДМ-1», «УДМ-2», шунингдек ингичка толали пахтага мўлжалланган бутилкаптакс каби дефолиантлар ҳусусида муфассал сўз юритилди, дефолиантларнинг кашф этилишидан то ишлаб чиқаришга жорий қилингунгача бўлган босқични тезлаштириш зарурлиги таъкидланди.

Йиғилишда «ТИИИМСХ-Альфа» препаратига юқори баҳо берилди, уни қишлоқ хўжалигида кенг миқёсда қўлланиш юзасидан чоралар белгиланди. Янги дорини саноат йўли билан ишлаб чиқариш учун зарур бўлган смета-лойиҳа ва ҳисоб-китобга оид ҳужжатларни расмийлаштиришни тезлаштириш, шу мақсадда институтда ярим ишлаб чиқариш характеридаги махсус қурилма бунёд этишга қарор қилинди. Ҳозир институтимизда бу қурилмани монтаж қилиш ишларига киришилди.

Бу йил «Альфа» янада катта майдонда, 1500 гектар пахтазорда синаб кўрилади. Шу кунларда «ОВХ-14» пуркагичи ёрдамида «Альфа» билан дефолиация қилиш кун сайин қизитилмоқда. Ўқув-тажриба хўжалигимизда эса биринчи марта 50 гектар майдонга авиация ёрдамида «Альфа» дориси сепилади. Республикамизнинг тўққиз областидаги ўттиздан ортиқ хўжаликдан ташқари Тожикистон, Озарбайжон ва Туркманистон пахтакорлари ҳам янги дефолиантни синаб кўришаётир.

Ўтган йили янги дефолиантнинг афзаллигини билган, унинг ташиб келтириш ва сақлаш осонлиги, ишлатишга қулайлиги, ғўза баргини кўнгилдагидек тўкишини кўрган хўжаликлар айни деҳқонбоп экан деб баҳолашган эди. Бу баҳо бизни янги ижод ва изланишларга ундади. Ҳозирги кунда кафедра ва лабораториямизнинг 60 дан ортиқ ходими «Бета», «Гамма», «Прогресс» ва бошқа дефолиантларни такомиллаштириш, янгиларини яратиш устида иш олиб бормоқдалар. Бу жонажон партиямиз Марказий Комитетининг июль Пленумига амалий жавобимиздир.

ЗВЕЗДНИЙ ШАҲАРЧАСИДА КОСМОНАВТЛАРНИ КУТИБ ОЛИШ

Бу йил Звездний космик экипажларни бешинчи марта кутиб олмоқда. Космик экспедиция илмий программасини тайёрлаган СССР ва ГДР олимлари билан бирга «Салют-6» станциясида ишлаган тўрт экипажнинг аъзолари Подмосковьедаги аэродромга келишди.

Бойқўнғир космодромидан келган самолёт учрашув жойига қўниши олдидан космонавтларни тайёрлаш раҳбари, авиация генерал-лейтенанти В. Шаталов билан суҳбатлашамиз.

— Янги типдаги илмий станция ер атрофи орбитасида пайдо бўлган вақтдан буён бир йил ҳам ўтгани йўқ, деди у. Янги типдаги бу станция космосда туриб фан ва халқ хўжалиги манфаатлари йўлида тадқиқотлар ўтказиш учун катта истиқболлар очиб берди. Ҳозиргача бу станцияда бешинчи экипаж ишларини ниҳоясига етказди. «Интеркосмос» программасига мувофиқ ўтказилган учта экспедицияда Чехословакия, Польша, Германия Демократик Республикасининг биринчи космонавтлари иштирок этдилар.

Бу халқаро учишларнинг самарадорлиги тўғрисида жумладан, шундай факт далолат беради. Интернационал экипажларнинг ҳаммаси ерга қўнганларидан кейин илмий муассасаларга жўнатилдилар, учиш вақтида олинган натижалар ана шу муассасаларда ишлаб чиқилади.

Москва областининг диёри орбитага қилинган навбатдаги рейс экипажини саминий кутиб олди. Аэровокзал биносида рус ва немис тилларида: «Синфдош қардошлар —космос қаҳрамонлари» деган сўзлар ёзилган транспарант кўзга ташланади. Космонавтларни ГДРнинг СССРдаги элчихонаси вакиллари, социалистик мамлакатларнинг журналистлари ҳам кутиб олдилар.

Космонавтларни тайёрлаш марказида бўлиб ўтган митингда олимлар, космонавтларни тайёрлаш раҳбарлари сўзга чиқдилар. Экипаж аъзолари В. Биковский билан З. Иен Л. И. Брежнев ва Э. Хонеккер ўртоқларнинг «Салют-6» станциясидаги халқаро экипажга йўллаган саминий табриклари учун уларга қизғин миннатдорчилик изҳор этдилар.

Давлат комиссиясининг шу куни бўлиб ўтган мажлисида учинчи халқаро экспедициянинг иш якунлари чиқарилди.

Н. ЖЕЛЕЗНОВ,
ТАСС махсус мухбири.
Звездний шаҳарчаси

САМАРҚАНД САҲНАЛАРИДА

Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Самарқанд область санъат муассасаларининг меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасидаги ролини кучайтиришга қаратилган қароридан руҳланган театр ходимлари натта ишлар қилмоқдалар. Бу ҳақда бизга Узбекистон Театр жамиятининг Самарқанд область бўлими масъул секретари, санъатшунос Б. Исломов гапириб берди.

— Қарор маданий ҳаётимизда қақиқатан ҳам катта воқеа бўлди, — деди у. — Областимизнинг бошқа ижодкорлари каби театрчиларимиз ҳам халқимиз талабларига мувофиқ асарлар яратишга, қоларсе, ижодда янги-янги ютуқларга эришишга ҳаракат қилмоқдалар. Яқинда Самарқандда бешинчи театр — қўғирчоқ театри ҳам иш бошлади. Бу театрнинг дастлабки актёр ва актрисалари А. Островский номидаги Тошкент театр ва рассомлик санъати институтини шу йил тамомлаган собиқ талабалари бўлди. Улар ўзлари билан бирга диплом спектакли сифатида тайёрлашган бешта асарни ҳам олиб келишди. Театр илк спектакларини намойиш қила бошлади.

Яқинда областимиз театр маданиятида муҳим воқеа қайд этилди. Опера ва балет театрида машҳур композитор М. Мусоргскийнинг «Борис Годунов» операси муваффақиятли саҳналаштирилди. Шуниси диққатга сазоворки, бу йирик спектакль СССР Катта театрининг дирижёри, Москва консерваториясининг профессори, РСФСР халқ артисти Фуат Мансуров билан ижодий ҳамкорликда яратилди. Опера кенг жамоатчилиқ, санъатшунослар ва томошабинлар томонидан қизғин кутиб олинди. «Борис Годунов»ни саҳнага чиқаришда режиссёр, Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Л. Мейсель, дирижёр Ф. Ёқубжонов, рассом, Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Д. Сафоев, балетмейстер, Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист С. Бурхонов, хормейстер В. Зверевлар алоҳида активлик кўрсатишди. Борис Годунов ролини республика вокалистлар конкурсининг лауреати Н. Шик муваффақиятли ижро этмоқда.

Ҳамид Олимжон номидаги драма театри коллективи ҳам халқимизга манзур асарлар яратмоқда. Улар яқинда ВЛКСМнинг шонли 60 йиллигига атаб қорақалпоқ драматурги Тўлепберген Қаипбергеновнинг «Қалдирғочлар» драмасини саҳнага қўйдилар. Бу асар 20-йиллар комсомолларининг мардона ҳаёти ҳақида ҳикоя қилади.

А. П. Чехов номидаги областлараро рус драма театрининг репертуари таниқли драматург Иззат Султоннинг «Олтин кишанлар», жаҳон классикасидан О. Нилнинг «Қайрағоч остидаги муҳаббат» драмалари билан бойиди. Каттақўрғон драма ва комедия театрида саҳналаштирилган «Келинлар қўзғолони» (Саид Аҳмад асари) спектакли репертуардан мустаҳкам ўрин олди.

Областимиз халқ театрларининг бу йилги кўриги ҳам муваффақиятли ўтди. Кўрикда Пайариқ район халқ театри ғолиб чиқди. Ёзувчи Душан Файзийнинг «Қорасоч» драмасини ўзига хос маҳорат билан талқин қилган халқ талантларининг ўйини профессионал санъаткорларни ҳам мафтун этди.

Самарқанд театрларида янги-янги спектакллар устида иш олиб борилмоқда. Ўйлаймизки, яқин келгусида кенг халқ оммаси эътиборига ҳавола этиладиган бу асарлар ҳам томошабин қалбидан муносиб ўрин олади.

А. ҚОРЖОВОВ.

РАСМИЙ ВИЗИТ БИЛАН

Совет ҳукуматининг таклифига биноан Ҳиндистон Республикасининг ташқи ишлар министри А. Б. Важпаи расмий дўстона визит билан 11 сентябрь куни Москвага келди.

Аэродромда уни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико ва бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

(ТАСС).

ПЛАНЕТАМИЗДА

ҚАРДОШЛАРЧА БИРДАМЛИК

Чили меҳнаткашлари ва касаба союзларининг кураши билан бирдамлик ҳафтаси 11 сентябрдан 17 сентябргача ўтказилиши муносабати билан ВЦСПС эълон қилган баёнотда бундай дейилади: Совет касаба союзлари Чили меҳнаткашлари ва касаба союзларининг ҳарбий-фашист диктатурага қарши олиб бораётган кураши билан қардошларча бирдам эканлигини изҳор қилади.

Америка империализми ва Марказий разведка бошқармаси Чилида қонли давлат тўнтаришини уюштирган кундан буён беш йил ўтди. Ана шу тўнтариш натижасида президент С. Альенде бошчилигидаги конституцион Халқ бирлиги ҳукумати ағдариб ташланди. Сальвадор Альенде, Орландо Летельерниг ва Чилидаги минг-минглаб бошқа ватанпарварларни ўлдирган қотиллар фашист террори режимини ўрнатдилар.

Совет касаба союзлари дейилади баёнотда, Пиночет тўдасининг жиноятини АҚШдаги маъмурият ва реакцион доираларнинг, Хитой ва бошқа бир қанча давлатлар маъмурларининг Чили фашистларига бераётган молиявий ва сиёсий ёрдамини қаҳр-ғазаб билан қоралайдилар ва Чили халқи ўзининг ҳаққоний курашида яна озодлик, суверенитет, тинчлик ва демократияга эришади, деб ишонч билдирадилар.

(ТАСС).

ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИК

АДДИС-АБЕБА, 11 сентябрь (ТАСС махсус мухбири). Социалистик Эфиопия Муваққат ҳарбий-маъмурий кенгашининг (МҲМК) Бош секретари Фикре-Селассие Вогдересс КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг биринчи ўринбосари В. В. Кузнецов бошчилигида расмий визит билан бу ерда меҳмон бўлиб турган Совет партия-давлат делегацияси шарафига зиёфат берди.

Зиёфатда Фикре-Селассие Вогдересс ва В. В. Кузнецов нутқ сўзладилар.

Эфиопиянинг чинакам тараққийпарвар кучлари, деди **Фикре-Селассие Вогдересс**, ривожланган социализм жамиятини қуриб, ҳозир коммунизм қурилишига ўтган Совет Иттифоқининг кураши тажрибасидан кўп нарса ўргандилар. Россиянинг мазлум халқлари пролетариатининг улуғ йўлбошчиси ва устози Владимир Ильич Ленин раҳбарлигида ҳамма синовлардан ғолиб чиқдилар.

Эфиопия революцияси ҳам ўзи туғилган дастлабки кунлардан бошлаб ана шундай қийинчиликлар ва синовларга дуч келди.

Эфиопиянинг кенг халқ оммаси, деб таъкидлади МҲМК Бош секретари, Эфиопия учун ҳал қилувчи пайтда Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, халқи ва ҳукуматининг пролетар интернационализми руҳида берган сиёсий ва моддий ёрдами ҳамда мададини ҳеч қачон унутмайди.

Эфиопия халқи халқаро империализм фитнасига қақшатқич зарба бериш учун жанг майдонларида Эфиопия революционерлари билан бирга жон берган кубалик ўртоқларнинг хотирасини ҳурмат билан эсга олади. У бизга революцион мадад берган Яман Халқ Демократик Республикасидан, Германия Демократик Республикасидан, бошқа социалистик ва тараққийпарвар кучлардан миннатдордир.

Фикре-Селассие Вогдересс Намибия, Зимбабве, Жанубий Африка халқларининг озодлик курашини қўллаб-қувватлаш тўғрисида гапирди. Эфиопия тараққийпарвар араб мамлакатларининг озодлик йўлидаги курашини, Фаластин Озодлик Ташкилотининг одилона курашини қўллаб қувватлайди. Революцион Эфиопия, деди у, Совет Иттифоқи, Куба ва социалистик ҳамдўстликдаги бошқа мамлакатларнинг империализм ва мустамлакачиликдан озод бўлиш учун одилона кураш олиб бораётган Африкадаги мазлум халқларга бераётган ёрдамини табриклайди. Бу ёрдам пролетар интернационализмининг ёркин намойишидир.

Шундан кейин сўзга чиққан совет делегациясининг бошлиғи **В. В. Кузнецов** Совет халқи, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, ўртоқ Л. И. Брежнев шаънига айтилган саминий дўстона сўзлар учун миннатдорчилик билдирди ва Эфиопия революциясининг тўрт йиллиги муносабати билан астойдил қутловлар топширди.

Дўстлар, биз мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги дўстлик йил сайин мустаҳкамланиб бораётганлигига сизлар билан бирга қувонамиз, деди совет делегациясининг бошлиғи, Совет —Эфиопия **икки** томонлама ҳамкорлигининг бош йўналиши СССР билан социалистик Эфиопия ўртасидаги дўстона ўзаро муносабат ва ҳамкорлик асослари тўғрисидаги декларацияда ҳамда Ўртоқ Менгисту Хайле Мариам билан ўртоқ Л. И. Брежневнинг ва бошқа совет раҳбарларининг бундан аввалги мулоқаторалари ҳамда учрашувлари давомида эришилган аҳдномаларда аниқ белгиланган, Аммо ер юзида бизнинг муносабатларимиз муваффақиятли ривожланишини кўролмайдиган кучлар ҳам бор. Булар — аввало империалистик ва янги мустамлакачи кучлар ҳамда уларнинг иттифоқчиларидир. Бу доиралар Африка халқларининг тараққиётини тўхтатиб қўйишга, уларнинг миллий мустақиллиги мустаҳкамланишига ҳалақит беришга интилмоқдалар.

Ҳозир империалистлар ва уларнинг гумашталари Африка халқларининг ишларига аралашувни кучайтирмоқдалар. Улар қитъадаги ўз манфаатларини сақлаб қолиш учун коллектив бўлиб агрессив ҳарбий-сиёсий ҳаракатлар қилишга, «Африка мамлакатларираро кучлар» деб аталган ва «африкаликларни африкаликлар қўли билан ўлдириш»ни асосий мақсад қилиб олган отрядлар тузишга ўтмоқдалар.

Совет Иттифоқи, деди В. В. Кузнецов, Африка халқлари ўз тақдирининг хўжайини бўлишлари учун, ўз табиий бойликларини ўзлари тасарруф этадиган бўлишлари учун қатъият билан ҳаракат қилмоқда.

«Бизнинг Африка диёрида ғаразли манфаатларимиз йўқ, — деди яқинда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев. — Биз империалистик монополияларнинг шу мамлакатлар табиий бойликларини талашига қатъият билан қарши чиқамиз. Биз Африка мамлакатларининг ҳам, шунингдек бошқа давлатларнинг ҳам ички ишига аралашиш йўлидаги ҳар қандай уринишларга қатъий қаршимиз. Совет Иттифоқи ҳарбий блоклар тузилишига ва Африка мамлакатларини ўзаро қурашувчи гуруҳларга парчалаб юборишга қаршидир. Африкада мустамлакачилик замонларидан қолган территориал ва бошқа турдаги низолар кучайтирилишига қаршидир».

Биз сизларнинг Африка мугузида тезроқ мустаҳкам тинчлик ўрнатиш, территориал даъволардан воз кечишга ва суверенитети ўзаро ҳурматлаш, территориал бутунлик, чегараларнинг дахлсизлиги ва бир-бирининг ички ишларига аралашмаслик принципларига асосланиши лозим, деган фикрингизга қўшиламиз.

Пировардида сизларни ишонтириб айтмоқчиманки, деб таъкидлади В. В. Кузнецов, совет кишилари мамлакатларимизнинг дўстлигини, ўзаро манфаатли ҳамкорлигини янада чуқурлаштириш ва ривожлантиришга интилмоқдалар. СССР ва Эфиопия халқлари социал тараққиёт учун, империализмга, мустамлакачилик ва ирқчиликка қарши, ер юзида тинчлик учун курашдан иборат муштарак мақсадлар туфайли бирлашиб турганликлари бунинг гаровидир.

Фикре-Селассие Вогдересс билан В. В. Кузнецовнинг нутқлари қарсаклар билан кутиб олинди. Зиёфат самимий, дўстона вазиятда ўтди.

КУРАШ КУЧАЙИБ БОРМОҚДА

Никарагуадаги вазият ҳамон кескинлашиб бормоқда. Бу ердан олинган хабарларга кўра, исён кўтарган кишилар режим таянчи бўлган ҳарбий объектларга қарши биргаликда ҳужум қилганлар. Мамлакат пойтахти —Манагуа шаҳрида меҳнаткашлар ва ўқувчи ёшлар миллий гвардиянинг тўрт участкасига ҳужум қилганлар. Манагуа, Леон, Чинандег, Дриамба ва мамлакатнинг бошқа шаҳарларида шиддатли жанглар давом этмоқда. Бунинг натижасида ўлганлар ва жароҳатланганлар кўп.

Сандино номидаги миллий озодлик фронтининг партизанлари ҳаракат қилаётган тоғли районлар устида разведкачи самолёт қулаб тушди. Бу самолёт ичида миллий гвардия штаби оператив бўлимининг бошлиғи Х. Алергете ва Американинг уч нафар ҳарбий «маслаҳатчиси» бўлган. Обзорчиларнинг фикрича, самолёт партизанлар томонидан уриб туширилган.

ЮГОСЛАВИЯ ҲАРБИЙ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ХИТОЙДА

Югославия халқ армияси бош штабининг бошлиғи генерал-полковник С. Поточар бошчилигидаги визит билан Пекинга келган Югославия ҳарбий делегациясини Хуа Го-фэн қабул қилди. Синьхуа агентлигининг хабар беришича, «самимий ва дўстона вазиятда» ўтган қабул вақтида Хуа Го-фэн «Хитой ва Югославия партиялари ўртасидаги, икки мамлакат ва армиялар ўртасидаги муносабатлар муваффақиятли ривожланаётганлигини» таъкидлаб ўтди.

(ТАСС).

ТОШҚИН ОҚИБАТЛАРИ

ДЕҲЛИ, 12 сентябрь. (ТАСС). Тўхтовсиз давом этган жала ва ёмғирлар туфайли содир бўлган тошқинлар натижасида Ҳиндистоннинг Ўттар-Прадеш штатида салкам 640 киши ҳалок бўлди. 14,5 миллион аҳоли табиий офатдан зарар кўрди. Кўпгина районларда электр линиялари, телефон алоқаси узилган, автомобиль ва темир йўллар ювилиб кетган, кўприклар бузилган, тошиб кетган дарёлар 400 мингдан кўпроқ уйни вайрон этган, 2,5 миллион гектар майдондаги қишлоқ хўжалик экинзорларини бутамом йўқ қилган.

СОВЕТ ИТТИФОҚИГА ҚИЗИҚИШ ЗЎР

Фин радиосининг Совет Иттифоқи тўғрисида —«Қўшнилар ҳақида чорак соат» деган ҳафталик радиоэшиттиришлар туркуми Финляндияда ғоят манзур бўлмоқда. Шу эшиттириш редакциясининг почтаси эшитиришлар мўл бўлади. — Минг-минглаб радио тингловчилар ўз хатларида совет кишиларининг ҳаёти тўғрисида батафсил ҳикоя қилиб беришни сўрайдилар.

Олинаётган таклифларни ва шу туркумга қизиқиш кучайганлигини ҳисобга олиб, ҳар бир эшиттиришнинг муддатини ўттиз минутга қадар кўпайтириш тўғрисида қарор қабул қилинди. Эндиликда бу эшиттиришлар «Қўшнимиз шундай яшайди» рубрикаси остида берилади. Навбатдаги эшиттириш совет Сибирига бағишланади. Эшиттиришлар программасига радио тингловчиларнинг талабларига мувофиқ берилаётган концертлар киритилган, ҳар ойнинг бошида эса редакция уларнинг хатларига жавоб қайтаради.

Совет маданиятининг Финляндияда бўлажак ҳафталиги муносабати билан Совет Ўзбекистонининг маданий ҳаётига бағишланган эшиттириш бу ерда янги программа асосида берилди. Бу ҳафталикда Ўзбекистон ССР делегацияси иштирок этади. (ТАСС).

ЭРОНДАГИ ВОҚЕАЛАРГА ДОИР

ТЕҲРОН, 11 сентябрь. (ТАСС). Теҳронда ва мамлакатнинг 11 та бошқа йирик шаҳарларида ярим йил муддатга жорий этилган ҳарбий ҳолат кескин вазиятни юмшата олмади. Эрон пойтахтининг кўчалари ва майдонларида ҳали ҳам полиция, жандармерия ва мунтазам қўшинларнинг отрядлари соқчилик қилмоқда. Энг муҳим магистралларнинг чорраҳаларида танклар ва бронетранспортерлар ҳозиру-нозир бўлиб турибди. Теҳрондаги Америка элчихонаси зўр бериб қўриқланмоқда.

Намойишлар ва митинглар ўтказиш тақиқланганига қарамай кеча Қум шаҳрида ҳукуматга қарши шиорлар остида яна кўп кишилик намойиш бўлиб ўтди. Теҳрон радиосининг хабар беришича, қўшинлар намойишчиларга ўқ узганлар. Қурбонлар бор.

Бу ерда эълон қилинган расмий маълумотларга қараганда пойтахтда биргина ўтган жума куни 95 киши ҳалок бўлган.

Ҳозирги вақтда бутун мамлакатга ёйилган ҳукуматга қарши ғалаёнларда ғоят хилма-хил оқимлар ва гуруҳлар шу жумладан руҳонийлар кўплаб қатнашмоқдалар.

ПАРИЖ, 11 сентябрь. (ТАСС). Францияда чиқадиган «Фигаро» газетасининг ёзишича, Эрон шоҳи халқ қаршилигини бостириш ва ҳукмрон сулолани қутқазиб қолиш мақсадида ҳеч шубҳасиз қаттиқ зарба беришга қатъий аҳд қилган. Бироқ, деб таъкидлайди газета, у оппозициянинг ҳам ана шундай қатъий зарбасига дуч келди.

Ана шу газетанинг мухбири Теҳрон касалхоналаридан олинган маълумотларга асосланиб, биргина Теҳроннинг ўзида сўнгги воқеалар вақтида ўлдирилганлар 1.450 кишига етиб қолганини таъкидлайди.

«Матэн» деб аталган бошқа бир буржуа газетаси инсон эркинликлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи Эрон комитети Париждаги вакилининг бутун Эронда 3.798 киши ўлдирилганлиги ҳақидаги маълумотларини келтиради.

ВАШИНГТОН, 11 сентябрь. (ТАСС). Америка пойтахтининг сиёсий доиралари Эрондаги воқеаларнинг ривожланишини диққат билан кузатиб турибдилар. Оқ уй бу ерда қурбонлар бўлганлиги муносабати билан оғизда таассуф билдирган бўлса ҳам, инсон ҳуқуқларини «ҳимоя қилишдан» иборат севимли мавзуни Америка маъмурияти тилга олмаяпти, Аксинча, АҚШ президенти Ж. Картер Эрон шоҳи билан телефон орқали сўзлашган чоғида Қўшма Штатлар билан Эрон ўртасидаги муносабатларнинг «қалин ва дўстона» характерини тасдиқлаб, «Эроннинг ғарб билан иттифоқини сақлаб қолиш»нинг катта аҳамиятини таъкидлади.

ПАРИЖ, 11 сентябрь. (ТАСС). Бу ерда Эрон халқ партияси (ТУДЕ) Марказий Комитетининг баёноти эълон қилинди. Баёнотда айтилади-ки, Теҳронда ва мамлакатнинг бошқа йирик шаҳарларида ҳарбий ҳолат жорий этилганлиги Эрон маъмурларининг ва уларнинг оппозиция билан «ярашиш сиёсати» деб аталган сиёсатининг «чинакам башарасини очиб беради». Ҳозирги режим, дейилади баёнотда, мамлакатда сиёсий танглик замиридаги социал проблемаларни ҳал қила олмайди.

Эрон Халқ партияси Марказий Комитети жаҳон афкор оммасига мурожаат қилиб, «Эрон халқининг одилона ишини қўллаб-қувватлаб чиқишга» даъват этди.

Ҳамид Олимжон туғилган кунининг 70 йиллиги олдидан

ЭЛ БИЛАН ЖОНДОШ...

«Бахтни тошган эл билан, жондош бўлиб отдим одим». Бу шеърий сатрлар шоир, ёзувчи, адабиётшунос Ҳамид Олимжон қаламига мансубдир. Бу сатрлар Ўзбекистон ССР Фанлар академияси қўлёзмалар илмий-тадқиқот институтида сақланаётган камбар қоғоз саҳифасига ёзилган. Ҳамид Олимжон архиви каталогини тузиш ишига бошчилик қилаётган филология фанлари кандидати Фозила Комиловна Сулаймонова бу қимматли саҳифаларни папкалардан эҳтиёт билан олди. Булар — шоир асарларининг дастхатлари, унинг қилган таржималари, муаллиф ўз қўли билан тузатиш киритган редакцион саҳифалар, эртакларнинг ёзувлари.

Қўлёзмаларнинг кўпчилиги қалам билан ёзилган. Улар орасида яхши қоғоз камдан кам учрайди. Ҳамид Олимжон идораларда юритиладиган дафтарларнинг саҳифаларидан, қораламаларнинг орқасидаги саҳифалардан, ўқувчиларнинг дафтарларидан, баъзан эса газеталарнинг оқ жойларидан фойдаланган. Бу — уруш вақтида эди. Ана шундай дастхатлардан бирида газетанинг номи ва санаси — «Комсомольская правда» газетасининг 1943 йил сони сақланиб қолган. Ўша вақтда у фронтда бўлган, «Совет саркардасига» деган шеъри ёзилган вақтлар эди.

Мана, ҳаракатдаги армияда ёзилган бошқа шеърлар. Қўлёзма муаллифининг ижодий изланишларини аниқлашга ёрдам беради. Дастхатда шеърий илҳом ва катта меҳнатнинг нозик излари сақланиб қолган. 1943 йил 3-6 март санаси кўрсатилган саҳифада Ҳамид Олимжоннинг ажойиб асарларидан бири — «Россия» шеъри ёзилган. Бу шеърда юксак гражданлик ҳис-туйғуси жуда нозик лирика билан омухта бўлиб кетган. «Россия! Россия! Мен сенинг ўғлингман, эмасман меҳмон» — биринчи сатрлар шундай бошланади. Дастлаб «Россия» сўзи бир марта ёзилган. Қидириш яна давом этади ва тўртлик тайёр бўлади, шеърнинг бошида Ватанга, Россияга бўлган меҳр-муҳаббат, ўзбек шоири бутун вужуди билан, қон-жони билан Россиянинг фарзанди эканлиги кўрсатилган.

— Ҳамид Олимжон нақадар кўп меҳнат қилганлигига, ўзининг ҳар бир асарига қанчалик куч сарфлаганлигига ҳайрон қоласан, киши, — дейди Ф. К. Сулаймонова. — Институтда 1943 йил бошида ёзилган тарихий-шеърий «Муқанна» драмасининг материаллари сақланмоқда. Шоир араб истилочиларига қарши Ўрта Осиё халқларининг кураши кескинлашган олис тарихий даврни танлаб олади. Драмада VIII асрнинг иккинчи ярмида Мовароуннаҳрдаги қўзғолон акс эттирилган, бу қўзғолонга Ҳошим Ибн Ҳаким Муқанна бошчилик қилган. Бу мавзу танланганлиги бежиз эмас: совет халқларининг фашист босқинчиларга қарши ҳаёт-мамот кураши олис ўтмишда яшаган аждодларимизнинг шафқатсиз чет эллик босқинчиларига қарши кураши билан бамисоли ҳамоҳанг эди. Бир қанча папкаларда драманинг вариантлари, дастхатлар, машинкада ёзилган саҳифалар, рус ва украин тилига таржималар, биринчи постановканинг театр программаси сақланмоқда. Лекин «Муқанна»ни яратишда қандай тайёргарлик кўрилганидан далолат берувчи материалларнинг ҳажми улардан бир неча баравар кўплик қилади. Булар араб ва форс олимларининг тарихий асарларидан, ўрта асрда яшаган олим Наршахийнинг «Бухоро тарихи»дан олинган парчалар, машҳур совет шарқшунослари, даставвал А. Ю. Якубовский билан қилинган суҳбат чоғларидаги ёзувлардир. Озодлик ва мустақиллик учун курашга халқни отлантирган раҳнонинг сиймоси намоён бўлишидан олдин шоир нақадар улкан иш қилганлигини ўлчайдиган мезон топиш амри маҳолдир.

Ҳамид Олимжоннинг ўзбек совет адабиётидаги ҳиссаси буюкдир. Улкан ақл ва қалб соҳиби бўлган бу инсон ўз замондошларини тўлқинлантирган саволларга дарҳол лаббай, деб жавоб қайтарарди. У катта-кичик, замонавий ва тарихий мавзуда қалам тебратарди. У халқ достонларини ёзиб оларди. Ҳ. Олимжон фольклорни ўрганарди, халқ ижодиётига ғолт катта аҳамият берарди, зеро халқ ижодиёти, ўзбек адабий тилини чинакам халқ тили, оддий ва маънодор тил қилишга, ўзбек совет адабиётини сўзнинг том маъносида халқ адабиёти қилишга кўмаклашади, деб ҳисобларди у. Мана «Алпомиш» достонининг ёзиб олинган беҳисоб миқдордаги қораламалари. Сарлавҳанинг ёнига «достоннинг энг қадимий варианти» деб ёзиб қўйилган. Унинг бундай деб таъкидлаши учун барча асослар бор эди. У бу халқ достонини эшитиб, ёзиб олган, бошқа нусхалар билан таққослаб чиққан, ўшандан кейингина достоннинг энг қадимий вариантини танлаб олган эди.

Байроннинг «Кечир» деган шеъри таржимаси сақланиб қолган. Бунда улуғ инглиз шоирининг ижодига ўзбек адабиёти биринчи бўлиб мурожаат қилиши эди. Ҳ. Олимжон бу шеърни 1938 йилда таржима қилган. Институтда Пушкин ва бошқа шоирлардан қилинган таржималарнинг дастхатлари, Николай Островскийнинг «Пўлат қандай тобланди» романи таржимасининг қўлёзма саҳифалари сақланмоқда.

Йиллар ўтаверади. Аммо одамлар ижод сирларини, меҳнатсеварлик сирларини билишга интилиб, бу саҳифаларга аввалгидек мурожаат қилаверадилар. Ана шу саҳифаларга бугун А. С. Пушкин номли тил ва адабиёт институтининг ходимлари мурожаат қилмоқдалар. Улар халқ билан жондош бўлиб яшашни шоирлик ва инсонининг энг олий бурчи деб билган Ҳ. Олимжон асарларининг академик нашрини тайёрламоқдалар.

* * *

Тошкент метросиннинг йўловчилари 1980 йилнинг кунларидан бирида: «Кейинги станция — Ҳамид Олимжон станцияси» деган сўзларни эшитадилар. Бу — Ўзбекистон пойтахти метрополитенининг иккинчи навбат объекти. Пушкин кўчаси билан Якуб Колас кўчаси туташган ерда жойлашган бу ер ости иншоотини «Ташметропроект» чиройли эскизида кўриш мумкин. Авторлар коллективи — шаҳар бош архитекторининг ўринбосари В. Русанов, Тошкент политехника институти архитектура факультетининг декани Ҳ. Убайдуллаев, «Ташметропроект» бош архитекторлари А. Табибов, Я. Мансуров бўлғуси станция бўйлаб ўзига хос экскурсия қилишга ёрдамлашадилар.

— Биз станция қиёфасида поэтик кайфият кўзга ташланиб туриши учун интилдик, — дейди А. Табибов.

Метро ер ости саройининг тагига гранит қопланади, деворлари оқ мармар билан безатилади. Станциянинг гумбазлари миллий гул солинган сопол арклар билан бойитилади. Ҳозир «Рассом» комбинатининг рассомлари бу борада иш олиб бормоқдалар. Тўққизта мармар таршер нур сочиб туради. Йўловчилар бу ердан Ҳамид Олимжон номи билан аталган майдонга чиқа оладилар.

— Бу Тошкентнинг янги майдони бўлади, — дейди шаҳарнинг бош архитектори С. Одилов. — Майдон атрофида кўп қаватли уй-жойлар қад кўтаради, бу бинолар-нинг биринчи қаватларида магазинлар, маиший хизмат кўрсатиш корхоналари, турли муассасалар жойлашади. Шу ерда Ҳамид Олимжонга ҳайкал ўрнатиш мўлжалланмоқда.

С. ФРОЛОВА.
О. ОСИПОВ,
ЎзТАГ мухбирлари.





Суратларда: (юқоридан — пастга). 1. Жиззах район «Москва» колхозида очилган Ҳамид Олимжон музейида. 2. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси қўлёзмалар илмий-тадқиқот институти илмий ходимларидан филология фанлари кандидати Ф. К. Сулаймонова ва кичик илмий ходим М. Фатҳуллахўжаевлар Ҳ. Олимжон мероси устида ишламоқдалар. 3. Тошкент метрополитенининг Ҳамид Олимжон номидаги бўлажак станцияси.

реклама ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг
ФАРҒОНА РАЙОН МИНДОН ҚИШЛОҒИДАГИ
106-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1978-1979 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН
ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Қишлоқ хўжалик машиналарини ремонт қилувчи слесарь мутахассислиги билан кенг профилли тракторчи-машинистлар; трактор, автомобиллар ва қишлоқ хўжалик машиналарини ремонт қилувчи слесарлар; электромонтёр мутахассислиги билан насос станцияларининг машинистлари; 3-класс тракторчи-машинистлари; машинада сут соғиш операторлари; дурадгорлар.

Ўқиш муддати — бир йил.

БИЛИМ ЮРТИГА 16-25 ЕШЛИ, 8-10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТИ БЎЛГАН ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

ҲУЖЖАТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНМОҚДА.

Билим юртига кирувчилар: директор номига ариза, маълумоти ҳақида ҳужжат (асл нусхаси), туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома, таржиман ҳоли, яшаш жойидан справка, 3х4 см. ҳажмли 6 дона фотосурат топширадилар.

Ўқиш даври узлуксиз меҳнат стажига киради.

Билим юрти қошида хоҳловчилар учун кечки бичиш-тикиш, 3-класс шоферлик, радио-телевизор ва холодильник тузатувчи усталар, киномеханиклар ва секретарь-машинистка-лар тайёрловчи курслар ҳамда кечки 9-10 синфлар мавжуд.

Билим юртида таълим оладиган ёшлар учун барча маданий-маиший шароитлар яратилган: бепул ётоқхона, уч маҳал иссиқ овқат, қишки-ёзги кийим-кечак ва 10-20 сўм миқдорда стипендия берилади.

Билим юртини аъло баҳолар билан тугатган ёшларга техникум ва институтларга йўлланма берилади (улар олий ва ўрта махсус ўқув юртларига конкурссиз кириш имкониятига эга бўладилар).

Билим юрти адреси: Миндон қишлоғи, 106-қишлоқ ҳунар-техника билим юрти («Фарғона — Миндон» ва «Водил — Миндон» автобусларининг «Гузар» бекати). Телефон: 2-34-21.

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ ИНЖЕНЕРЛАРИ ИНСТИТУТИ
1978—79 ўқув йили учун
ҚУНДУЗГИ ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИГА

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Тайёрлов бўлимига саноат корхоналари, қурилишлар, транспорт ва алоқа ташкилотлари, геология-разведка ташкилотлари, совхозлар, колхозлар ва ҳарбий қисмлар нўмондонлиги йўлланмаси билан келган, ўқишга юборилиш ҳақидаги масала кўрилган кунга қадар камида бир йиллик узлуксиз иш стажига эга бўлган илғор ишчилар, колхозчилар ва СССР Қуролли Кучлари сафидан запасга бўшатилганлар қабул қилинади.

Ўқишга юборилган колхозчилар колхозда ишлаш ҳар бир календарь йилининг мазкур колхоз учун белгиланган жиҳат кунлари минимумини ишлаб беришлари керак.

КУНДУЗГИ ЎРТА МАКТАБНИ 1978 ЙИЛДА БИТИРГАНЛАР ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИГА ҚАБУЛ ҚИЛИНМАЙДИ.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: институт рахбари номига ёзилган ариза, йўлланма (илова №2 ёки 1, 3), ўрта маълумоти тўғрисидаги ҳужжат (асли), иш жойидан (ҳарбий қисмдан) характеристика, меҳнат дафтарчасидан корхона раҳбари тасдиқлаган кўчирма, медицина справкаси (форма 286), 3х4 см. ҳажмидаги 6 дона фотосурат.

АРИЗАЛАР 1 ОКТЯБРДАН 10 НОЯБРГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

10 ноябрдан 20 ноябргача физика ва математикадан суҳбат ўтказилади. Тингловчилар рўйхатига киритиш 23—25 ноябргача ўтказилади.

Тайёрлов бўлимини тугатиб, битириш имтиҳонларини муваффақиятли топширганлар институт қундузги бўлимининг 1 курсига кириш имтиҳонларисиз қабул қилинадилар.

МАШҒУЛОТЛАР 1 ДЕКАБРДАН БОШЛАНАДИ.

Ўқиш муддати — 8 ой.

Тайёрлов бўлимига қабул қилинганлар ойига 40 сўм стипендия ва ётоқхона билан таъминланадилар.

Қабул қилинганлар қишлоқ хўжалигини механизациялаш, гидромелиорация, ер тузилиши, ремонт технологиясини ташкил этиш, гидромелиоратив ишларни механизациялаш, гидротехника қурилиши, қишлоқ хўжалигини электрлаштириш, сув хўжалиги экономикаси ва уни ташкил этиш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини автоматлаштириш факультетларида ўқийдилар.

Паспорт ва ҳарбий ҳужжатлар шахсан кўрсатилади.

Қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: 700000, Тошкент шаҳри, Қори Ниёзий кўчаси, 39-уй, тайёрлов бўлими қабул комиссияси.

«СРЕДАЗТРАНССТРОЙ» ТРЕСТИНИНГ ЎҚУВ ПУНКТИ
3 ОЙЛИК КУРСЛАРГА
ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

КУРСЛАРДА: сувоқчи-бўёқчи, гишт терувчи-монтажчи, дурадгор, плиткачи-облицовкачилар тайёрланади.

КУРСЛАРГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ҲАР ОЙДА ЎТКАЗИЛАДИ.

Бошқа шаҳарлардан келган ўқувчилар ётоқхона билан таъминланадилар. Ўқиш даврида ўқувчиларга ойига 76 сўм ҳажмида стипендия тўлаб борилади.

Курсларни битирувчилар иш.лаш учун Тошкент, Сирдарё, Навоий, Чоржўй. Хўжайли, Арис, Туркистон шаҳарларидаги қурилиш ташкилотларига юборилади.лар. Уларга жойларда минтақа коэффициенти ва ишнинг кўчма хусусиятига қараб маошга қўшимча 30 процент ҳақ тўланади.

Олий ўқув юртлари ва техникумларга кириб ўқишни хоҳловчилар бир йил ишлаб бергач, қурилиш ташкилотларининг йўлланмаси билан ўқишга юборилади.лар ва билим юртига имтиёзли шартлар билан қабул қилинадилар.

Ўқишга кирганларга оширилган стипендия тўланади.

Отпуска вақтида ишчилар Совет Иттифоқининг истаган бурчагига бориш учун бепул темир йўл билети билан таъминланадилар.

Қуйидаги адресларга мурожаат қилинсин: Тошкент-105, Манжара кўчаси, 175-уй, 3-корпус (55-автобус билан темир йўл вокзалидан «Мактаб-интернат» бекатигача). Телефон 91-29-57.

Тошкент шаҳар, Қуйбишев кўчаси, 34-уй, кадрлар бўлими.

Газетхонлар ижодидан

Редакциямиз ҳаваскор қаламкашлардан деярли ҳар куни шеърлар, ҳикоялар, ҳажвиялар, термалар, шеърий фельетонлар олиб туради. Уларни бевосита пахта далаларида, завод ва фабрикаларда, қурилиш майдонларида тер тўкаётган оддий меҳнатчилар, Совет Армияси сафларида фарзандлик бурчини адо этаётган солдатлар, пенсионерлар, студент ва ўқувчи ёшлар йўллашади. Газетхонларимиз асарларида табиат гўзалликлари, меҳнат, Ватан севгиси содда, самимий мисраларда тасвир этилади. Июль, август ойларида 83 та шеър ва бошқа машқ асарлари олдик. Қуйида ана шундай шеърлардан намуналар эълон қилинаётир.

БУРЧ

Туғилган Ватаним шу
она-замин,
Меҳнат тожини ҳам
кийдирган шу ер.
Бўлайин тупроқдай
серҳосил, майин, —
Дея меҳнат билан тўккум
реза тер.

Она ер меҳрини кўчириб
дилга,
То тирик эканман яшнатгум
уни.
Гулдан нақш чизиб бепоён
чўлга —
Оқлаш чин қарорим фарзанд
бурчини.

Баҳром УМАРОВ.

ОРЗУ

Туннинг сокинлиги, кубшнинг нури,
Чақалоқ кулгуси, субҳидам куйи,
Дарёлар наъраси, ёшлик ғурури,
Елларнинг шўхлиги, гулларнинг бўйи,

Баҳор нашидаси, висол нашъаси,
Нафосат назми-ю дўстларнинг базми.
Давралар файзи-ю илҳом чашмаси,
Оталик меҳри-ю ёшлигим рамзи,

Инсонлик саботи, ёр садоқати,
Ватан саодати, эл фароғати,
Само тиниқлиги —
Қалб иликлиги —

Токи шеърларимда эмас омухта —
Енаман,
Езаман,
Қўймасман нуқта!

Пўлат АБДУЛЛАЕВ.

СУЗИШ:

МОВИЙ ЙЎЛКАЛАРДА

Мактаб ўқувчилари спартакиадаси программасига киритилган спортнинг яна бир тури бўйича мусобақалар ниҳоясига етди. Армиячилар сув бассейнида сузиш бўйича 600 га яқин ўғил-қиз беш кун мобайнида чемпионлик учун баҳс юритди. Ниҳоят, сузувчиларга аталган соврин ва медаллар ўз эгаларини топди.

Мусобақада украиналик сузувчилар ҳар жиҳатдан ибрат кўрсатдилар. Улар спартакиадага катта тайёргарлик билан келишганлигини намойиш этишди. Мусобақанинг биринчи кунидаёқ 100 метрга эркин усулда сузишда спартакиаданинг дастлабки чемпиони ва совриндорлари ҳам украиналиклар бўлишди. Жумладан, Татьяна Мациборка 1.008 секунд натижа билан биринчи чемпион номига мушарраф бўлди. Ўсмирлар ўртасида Сергей Красов 54,5 секунд натижа билан ғолиблик қилди. Уларнинг бу натижалари спорт мастери нормативидан зиёдадир.

Мусобақа кезлари украиналик Ирина Орлюк билан Татьяна Мациборкалар мухлислар эътиборини қозониб, спартакиада қаҳрамонлари бўлиб танилишди. Ирина 100 ва 200 метрга чалқанча, 200 метрга комплекс ҳамда 4х100 метрга эркин усулда, 4х100 метрга мураккаб усулда сузиш мусобақаларида бешта олтин медални қўлга киритган бўлса, Татьяна кўксига тўртта олтин медаль тақди.

Умуман украина спортчилари жами 31 та, шундан 13 та олтин, 12 та кумуш, 6 бронза медалларига эга бўлишди. Улар энг кўп очко келтирадиган эстафетали баҳсларда муваффақият қозониб, ўз командаларининг биринчи бўлишига муносиб ҳисса қўшдилар. Украиналиклар жами 1782 очко тўплаб, команда ҳисобида бош совринни қўлга киритдилар.

Сузиш баҳсларида республикамиз вакиллари Львов шаҳрида бўлиб ўтган спартакиадада қўлга киритилган ютуқларга нисбатан дуруст натижаларга эришишди. Агар Львовда Лида Чертова олтин, Сергей Никулин бронза медалларини олиб, умумкомандага ҳисобида 444 очко билан еттинчи ўрин банд этилган бўлса, бу сафар ўзбекистонлик спортчилар бир поғона юқорига кўтарилдилар. Бу 100 ва 200 метрга чалқанча сузишда иккита бронза медали олган Елена Холманская, 100 метрга батерфляй, 400 метрга комплекс усулда сузиш бўйича бронза медалларига сазовор бўлган Андрей Агибалов ҳамда 100 метрга брасс усулида сузиб, кумуш медаль олган Светлана Вашкевичлар қўлга киритган натижалар самарасидир. Вакилларимиз жами 643 очко тўпладилар.

Н. НУРМУҲАМЕДОВ.

СПАРТАКИАДА ОДИМЛАРИ

● **БОКС.** Бугун қуйидаги спортчилар спартакиаданинг олтин медалларини қўлга киритиш учун рингга чиқадилар: 48 килограмм вазнли С. Шохмуҳаметов (Челябинск) — А. Бекбулатов (Фрунзе), 50 килограммли Қ. Тлеуленов (Қарағанда) — С. Смирнов (Москва), 52 килограммли С. Огонян (Кировокан) — В. Ткач (Олмаота), 54 килограммли **Виталий Ларюшин (Тошкент)** — Николай Кузьменко (Гродно), 57 килограммли **Илҳом Парпиев (Ангрен)** — Манвел Мурадян (Ленинакан), 60 килограммли Борис Деревицкий (Саратов) — **Сергей Данилов** (Чирчиқ), 63 килограммли М. Болтиев (Олмаота) — А. Митрофанов (Жигулевск), 66 килограммли **Михаил Боровский (Тошкент)** — **Георгиос Михос (Тошкент)**, 70 килограммли Г. Чернякевич (Барановичи) — С. Клименко (Ворошиловград), 74 килограммли Н. Николаенко (Минск) — А. Заев (Липецк), 80 килограммли С. Фоменко (Москва) — Н. Кокорин (Карпинск), 80 килограммдан оғир вазнли А. Геньшель (Токмак) — В. Богучарский (Новокуйбишевск).

● **ҚИЛИЧБОЗЛИК.** Рапирачи ўсмирлар ўртасида кучли олтиликдан иборат финал группа аниқланди. Шамширчи ўсмирлар ўртасида эса 68 нафар қиличбоз орасида тошкентлик Александр Дзюбан кучли олтиликдан ўрин олди.

● **СУВГА САКРАШ.** Тошкентлик Валентина Лавренчук саралаш мусобақаларини муваффақиятли бошлаб, 336,2 балл билан учинчи ўринни эгаллади. Вакилларимиз команда ҳисобида саккизинчи бўлиб туришибди.

ВЕЛОПОЙГА.

Вакилларимиз ютуғи

Ереванда СССР кубоги учун велотрек мусобақасида Латвия командаси бош совринни қўлга киритди. Группа пойгаси бўйича ўтказилган мамлакат чемпионатида эса ўзбекистонлик С. Чудин маррада учинчи бўлди. У 200 даралй 20 оралиқ маррали пойгада куч синашди. Ҳар уч давраднан кейин орқада қолган ўйиндан чиқиш бўйича команда пойгасида эса республикамиз вакиллари муваффақият қозондилар.

Редактор ўринбосари
Б. ЮСУПОВ.

Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз

Телевидение

БУГУН

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — «Вақт». 9.35 — Гимнастика. 9.55 — «Москва бўйлаб одим ташлайман». Бадиий фильм. 11.10 — «Киносаҳифа: чилар клуби». 15.30 — «Сибирь ва Узоқ Шарқ бўйлаб». 16.20 — «Ҳунар-техника билим юртига янги ўқувчилар келиб қўшилди». 16.50—Мактаб ўқувчиларининг Бутениттифоқ XV спартакиадасида. Бокс. Тошкентдан олиб кўрсатилади. 17.35 — Грузия қўшиқлари. 18.00 — «Горнчилар, қаердасиз?». 18.30—Янгиликлар. 18.40 — «Ҳамма нарсани билишни истайман». 18.50 — «1978 йил қишлоқ хўжалик техникаси». 19.20 — «Домск» концерт вали таклиф этади. 20.05 — «Пекининг буюк давлатчилик йўли ва Лотин Америкаси». 20.20 — «Қаерда эдинг, Одиссей?». Бадиий фильм, 1-серия. 21.30 — «Вақт». 22.00 — Футбол. УЕФА кубоги. «Динамо» (Тб) — «Наполи» (Неаполь). 23.45 — Концерт. 24.00 — Янгиликлар.

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Болалар учун телефильмлар. 12.15 — «Константин Заслонов». Бадиий фильм. 13.35 — Мактаб ўқувчиларининг Бутениттифоқ XV спартакиадаси. Бокс. Ярим финал. 18.00 — «Оқ автомобиль». Телефильм. 18.25 — Қизиқарли учрашувлар. 19.55 — «Ривожланган социализм шароитида КПССнинг аграр сиёсати». 19.15 — «Ахборот». 19.30 — Ҳужжатли фильм. 19.40 — «Совет Ўзбекистони композиторлари». Сайфи Жалил. 20.30 — «Ахборот». 20.50—«Совет Ўзбекистони композиторлари». Сайфи Жалил (давоми). 21.30 — «Вақт». 22.00 — «Журналист». Бадиий фильм, 2-серия.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.00 — «Аниичка». Бадиий фильм. 20.25 — «Совет давлати ва ҳуқуқи асослари». 20.55 — Янгиликлар. 21.15 — «Тошкент» телепрограммаси. 21.45 — «Ўқитувчи экрани». 22.15— Ҳужжатли фильм.

Радио

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Концерт. 9.30 — Музикали драмалардан парчалар. 11.15 — «Ривожланган социализм шароитида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш проблемалари». 11.30 — Ҳ. Лутфуллаев куйлайди. 12.00 — «Узбекистан индустриальний». 13.30 — Далада ишлаётганлар учун концерт. 14.00 — «Ингичка толали пахтага кенг йўл». 16.10 — «Баҳор кунлари». Симфония. 18.15 — «Узбекистан спортивний». 18.30 — Москва. «Миллионлар ленинча университети». 18.50 — «Дўстлик тўлқинида». 19.20 — СССР Конституцияси-нинг бир йиллигига. 19.40 — «Узбекистон чет эллик меҳмонлар нигоҳи билан». 19.50 — Дутор тароналари. 20.20 — Концерт. 21.00 — Чорвадорлар учун концерт. 21.30 — «Бахт куйчиси». 22.28 — Хуршид лирикаси. 23.20 — Дам олиш концерти.

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 13/IX да **Жизель**, 14/IX да **Князь Игорь**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 13/IX **Шаҳзода ва етим қиз**.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 13/IX да **Ёдинг билан**.

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — «ҲАЙВОНОТ ДУНЕСИ — ДЎСТЛАР ДУНЕСИ» АТТРАКЦИОНИ (ўргатувчи — РСФСРда хизмат кўрсатган артист — В. ТИХОНОВ).

Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшитириш давлат комитети коллективи Тошкент область эшиттиришлар Бош редакциясининг бўлим мудири Э. Худойбергановга қизи
НИЛУФАРнинг
бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Редакция адреси: 700000 ГСП. Тошкент, Ленин проспекти 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-45, 32-53-04; редактор ўринбосарлари — 33-79-14, 32-53-05, 33-06-33, 32-55-04, масъул секретарь — 33-44-55, 32-55-05, секретариат — 33-72-83, 32-53-06. БЎЛИМЛАР партия ҳаётидаги — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, марксизм-ленинизм назарияси пропагандаси— 32-55-70, халқаро ҳаёт — 32-54-18, саноат, транспорт ва капитал қурилиш — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20, 32-54-26; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 32-57-21, 32-54-24; ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, 32-54-26, 32-54-27; хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 33-35-53, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 32-54-13, иллюстрация — 32-57-22, коммунистик тарбия — 32-54-29; стенографистка — 33-73-43, 32-54-05; жамоатчилик қабулхонаси — 33-89-26, 32-52-26; эълонлар бўлими — 33-81-42. ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ — ҚҚАССР — 2-42-62; Тошкент — 32-53-20; Самарқанд — 5-19-71; Сирдарё — 2-09-70; Сурхондарё — 55-35; Хоразм — 51-24; Бухоро — 3-31-42, Қашқадарё — 38-42; Фарғона — 4-20-84, Наманган — 6-79-92; Андижон — 4-48-85, Жиззах — 31-66; Нашриёт диспетчери — 32-78-94. Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.

Р. 02691. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Д. — 210.